

#УЙДА ҚОЛИНГ, БИЗ СИЗ УЧУН ХИЗМАТДАМИЗ!

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

@VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.



НАЗОРАТ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?



4-бетда

ДУНЁ АРМИЯСИ
КАРАНТИН ДАВРИДА



8-бетда

ОЛИСЛАРДАН
ЭШИТИЛГАН ХЎРСИНИҚ

● Жорий йилнинг 7 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Абу Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондони ўринбосари Шайх Мухаммад бин Зоид Ол Нахаённинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбатда кўп қиррали Ўзбекистон – БАА муносабатларининг долзарб масалалари, шунингдек, амалий ҳамкорликнинг савдо-иқтисодий, инвестиция, банк-молия, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа устувор соҳаларида янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

● Президентимизнинг топшириғига мувофиқ, коронавирус тарқалишининг олдини олишга кўмаклашиш учун Тожикистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Кўз илғамас офатни бартараф этиш учун биринчи навбатда эҳтиёж сезиладиган тиббий буюм ва воситалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулоти юкланган поезд 9 апрель куни Сурхондарё вилоятидан Душанбе шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон инфекция тарқалишининг олдини олишга кўмаклашиш учун Хитой, Эрон, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКISTON



HAFTA ICHIDA

6 «ЭНДИЯМ ШИФОКОРНИ УРАСИЗМИ?»

10 ҚЎШИҚ БЎЛИБ БЕРЛИНГАЧА...

14 АРХИЕПИСКОП АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

18 XXI АСР БОКСИ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

2020 йил 10 апрель, №15 (2870)

ТАҲЛИЛ

«КОРОНАВИРУСНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ ДАВОСИ – ВАҚТ»

Машхур миллиардер Билл Гейтс ҳали 2015 йилдаёқ: «Агар яқин орада юз минглаб инсонларни маҳв этиш керак бўлса, бунинг учун уруш эмас, вирус ишлатилади.

Шунинг учун биз ракеталарга қарши ҳарбий техникалар эмас, эпидемияга қарши кураш тизимига кўпроқ маблағ ажратишимиз керак бўлади», деган эди. Афсуски, у ҳақ бўлиб чиқмоқда.

Бугун биринчи рақамли мавзу – коронавирус! Интернетга киришимиз билан аввало у билан боғлиқ хабарларни излаймиз. Тобора катталашиб бораётган рақамларни кўнглимиз безиллаганча, бу балойи азимнинг тезроқ бартараф этилиши бўйича бирор янгилик чиқмадимикин, дея шу мавзудаги маълумотларни излаймиз. Ҳаммаизни бир хил савол қизиқтиради: бу офат яна қанча давом этади? У яна қанча одамнинг умрига зомин бўлиши мумкин? Унинг давоми борми? Ва энг муҳими... Вакцина қачон тайёр бўлади? Бу борада дунёнинг турли бурчакларида етук олимлар иш олиб боришмоқда. Маълумотларга кўра, коронавирусга қарши вакцина ва препаратлар яратиш бўйича қирқдан ортқ илмий марказларда юзлаб мутахассислар иш олиб боришмоқда.

«Евроњьюс» телеканалнинг маълум қилишича, вакцина яратиш баъзида 10 – 15 йилни талаб қилади. Бироқ Африкада Эбола вируси тарқалганда, бу борада ишлар тезлаштирилган, қисқа муддатда вакцина яратилган эди. АҚШ озиқ-овқат ва дори-дармонлар бўйича сифат назорати бошқармаси раҳбари Стивен Ханнинг айтишича, коронавирусга қарши вакцинани яратиш ва синовдан ўтказиш учун 12 ой талаб қилиниши мумкин.

Март ойининг ўрталарида америкалик Женнифер Халлер коронавирусга қарши синов тариқасида биринчи эмланган инсон сифатида тарихга кирди. Айни пайтда ўз танасида турли препаратларни синаб кўришга розилик билдирганлар сафи кенгайиб бормоқда. Агар

препарат улар танасида қутилган натижаларни берса, бошқаларда ҳам бемалол қўллаш мумкин бўлади.

УМИДБАХШ «ПОЙГА»ЛАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, COVID-19 га қарши вакцина яратишда асқатадиган юзлаб ишланмалар мавжуд. Бироқ уларнинг жуда оз қисми клиник синовдан ўтказилган. Улардан бири коронавируснинг генетик материалига таъсир ўтказишга қаратилган.

Франциянинг Саломатлик ва тиббий тадқиқотлар миллий институтида коронавирус таркибидagi РНК тузилишига мос равишда вакцина ишлаб чиқариш устида бош қотирилмоқда. Германиянинг CureVac компанияси июнь ойида ўз вакциналарини клиник синовдан ўтказишни мақсад қилган. Еврокомиссия раҳбарияти томонидан мазкур компанияга коронавирусга қарши курашга йўналтирилган тадқиқотлар учун 80 миллион евро маблағ ажратилган.

Франциялик микробиолог олим Дидье Рауль биринчи бўлиб, коронавирусни даволашда энг оддий усул – безгакни даволашда ишлатиладиган гидроксихлорохин ва антибиотикларни биргаликда қўллашни таклиф қилди. Бу усул Италия шифохоналарида ҳам синовдан ўтказилди.

«КОРОНАВИРУС: НАЖОТ БОРМИ?»

АҚШнинг Виржиния штатидаги Жорж Мейсон университети профессори Анна Баранова ҳам коронавирус ҳақида жуда қизик мулоҳазаларни илгари сурди. Лента.ру нашрининг ёзишича, олима узок йиллардан бери вируслар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида илмий изланишлар олиб боради.

Яқинда интернетда унинг «Коронавирус: нажот борми?» номли электрон китоби жуда машхур бўлиб кетди. Олиманинг қайд этишича, бошқа эпидемиялар сингари бу кунлар ҳам қисқа фурсатда тарихга айланади. Аммо эртами-кечми, Ер юзидаги инсонларнинг 60 – 70 фоизи бу касаллик билан



тўқнаш келиши мумкин экан. Фақат бунинг учун асло ваҳимага берилишнинг кераги йўқ. Чунки коронавирус инфекцияси одамдан одамга ўтгани сайин ўзининг дастлабки «қудрати»ни йўқотиб боради. Бу фанда «аттенуация» деб аталади. Бу ҳолат бошқа кўплаб вируслар билан ҳам содир бўлган.

Оддий мисол: Covid-19 илк бор пайдо бўлганда, унинг ўлим кўрсаткичи 50 фоиздан юқори бўлган. Яъни бу касалликка чалинган ҳар иккинчи одам вафот этган. Вақт ўтиши, вирус бир танадан иккинчисига ўтиб бориши жараёнида бу кўрсаткичлар ҳам камайиб келмоқда. Бора-бора у оддий грипп, тумов сингари мавсумий ўткир респиратор касалликлардан бирига айланиб қолиши мумкин.

Бир пайтлар коронавирустан кўра дахшатлироқ бўлган SARS, MERS сингари касалликлар бугун ҳеч кимни безовта қилмай қўйди. Аслида улар ҳеч қаерга йўқолиб кетгани йўқ. Масалан, Яқин Шарқда асосан туялар орқали одамларга юққан MERS вируси бугун ҳам мавжуд. Фақат эндиликда туялар билан ишловчи одамларда ушбу вирусга қарши антитаначалар шаклланган. Шу боис, эндиликда бу касаллик инсонларга хавф соломмайди.

«Биз, инсонлар учун янги коронавирус ҳам тез орада деярли хавфсиз вирусга айланади. Бунинг учун ҳар биримиз ўта эҳтиёткор ва огоҳ бўлишимиз, у ҳақдаги билимларимизни тобора ошириб боришимиз керак», дейди Анна Баранова.

Рустам ЖАББОРОВ, ЎЗА

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Самарқанд вилоятида жойлашган ҳарбий қисми ташаббуси билан вилоятнинг Қўшрабат тумани маркази ва Заркент кўрғони ҳудудида ҳамкор бўлинмалар билан биргаликда коронавирус касаллиги профилактикасига қаратилган дезинфекция тадбирлари амалга оширилди.

Куч тузилмаларининг ҳамкорликдаги бу ҳаракати мамлакатимизга келган хавфни биргаликда, бир мушт бўлиб, қатъият ва ирода билан енгишга бел боғланганининг намуна-сидир. Тарихдан ҳам маълумки, она юрт, халқ ҳимояси доимо унинг мард ўғлонлари, аскарлари-ю лашкарлари зиммасида бўлган.

Тинчлик ва осойишталик учун неча-неча ботирлар жон олиб, жон берган. Гарчи бугун биз дуч келган хавфни кўз билан кўриб, қонли жанг-гоҳларда юзма-юз тўқнашиб енгиб бўлмаса-да, бу юрт ҳимоячиларини бир лаҳза ҳам чўчитгани йўқ.

Улар тарихий аъёналарга содиқ ҳолда, ностандарт вазиятда қисқа фурсатларда қарор қабул қилиб, дезинфекция воситалари билан қу-

ХАВФНИ БИРГАЛИКДА ҚАТЪИЯТ ВА ИРОДА БИЛАН ЕНГАМИЗ!



ролландилар ва касалликка қарши курашга бел боғладилар. Бу курашнинг натижаси эса, албатта, ғалаба бўлиши шубҳасиз.

КУРАШНИНГ АСОСИЙ ЖАНГЧИЛАРИ

Карантин... Бугун бутун дунё аҳолиси унинг тезроқ якунланишини, инсонлар кўринмас балодан халос бўлиб, осойишта ҳаёт

кечиришни истаётгани, шубҳасиз. Зеро, коронавирусга қарши кураш бугун барча миллат вакиллари бирлаштирувчи умуминсоний курашга айланди. Бу курашнинг асосий жангчилари эса жонкуяр шифокорлар билан бир қаторда, юртимизда метин интизомни таъминлаётган, вилоятлар, шаҳарлар кишлоқларда дезинфекция тадбирларини амалга ошираётган ҳарбий хизматчилардир.



Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти, Муборак туманида жойлашган ҳарбий қисм шахсий таркиби томонидан ҳамкорликдаги куч тузилмалари иштирокида «Биологик зарарланиш ўчоқларида зарарсизлантириш ишларини олиб бориш ҳаракатлари» мавзусида махсус тактик ўқуви ўтказилди.

Ўқувнинг назарий қисми якунланиб, иштирокчиларга вазифалар белгилаб берилган, амалий қисмга ўтиштирилди. Бу жараёнда ўқувга жалб этилган техникалар ва дезинфекция воситалари ёрдамида тумандаги деҳқон бозори ҳудуди, савдо мажмуалари ва марказий кўчалар дезинфекция қилинди. Қўмондонлик ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари ташаббуси билан тикилган мингга яқин ниқоблар, шунингдек, беш юз жуфт қўлқоплар муборакликларга улашилди.

Капитан Фариди БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган объектларни
қўриқлаш қўшинлари
қўмондонлиги
матбуот хизмати бошлиғи

«УЙДА ҚОЛИНГ»

«Дезинфекция», «изоляция», «санитария» сўзлари одамлар кун тартибининг калит атамаларига айланди. Жаҳон йўлларига блок-постлар қўйилган. Чегаралар аллақачон берк. Йирик шаҳарлар тугул маҳалла-гузарлараро ўтиб-қайтаётган яккам-дуккам уловлар ҳам кескин назоратга олинган. Ўзбекистонда ҳам аҳвол шу. Назорат кимнинг қўлида? Шубҳасиз, ҳарбий хизматчиларнинг.

НАЗОРАТ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Жорий йилнинг 3 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари коронавирус тарқаб кетмаслиги учун ҳукумат томонидан барча чоралар кўрилатгани, ҳар бир ўзбекистонлик, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилиши кераклигини таъкидлади.

МУВОФИҚ РАВИШДА

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши ёппасига кураш кетаётган вазиятда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ўз позицияларида, кундузги ва тунги

*блок-постлардан
репортаж*



жанговар хизматни кучайтирилган тартибда – сергак ва ҳушёрликда ўтамоқда. Карантин зоналари, ҳудудларни дезинфекция қилиш тадбирлари баробарида Ватан ҳимоячилари республикамизнинг барча ҳудудларида ўрнатилган блок-постларда ҳам «кўринмас душман»ни зарарсизлантирмоқда.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ. Қўмондонлик томонидан вақтинча ўрнатилган блок-постлардаги назорат янада кучайтирилди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги аъло даражада эканлиги қайд этилди.

Марказий ҳарбий округ. Хизмат олиб бориш тартиби, блок-постлар орқали ўтиб-қайтувчи тегишли рухсатномага эга ҳар қандай транспорт воситаси ва жисмоний шахслар карантин қоидаларига мувофиқ ҳаракатланаётгани ва аксинча ҳолатларда уларга нисбатан ўз вақтида муайян чоралар кўрилатгани назорат қилинмоқда.



Шарқий ҳарбий округ. Водийнинг аҳоли зич ҳудудларида кўчалардаги ҳаракатни камайтириш, сунъий равишда зарурат ташкил этиб, фуқароларнинг «уйда қолиш» ўрнига жам бўлишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тошкент ҳарбий округи. Ҳудудлар ва пойтахтга кириш-чиқиш йўллари мутлақ назорат остида. Марказий кўчалар, маҳаллалар ичидаги айланма ҳаракат йўлларига ҳам блок-постлар ўрнатилди. Карантин қоидаларига зид хатти-ҳаракатларнинг барчаси қонун доирасида бартараф этилаётди.

Амалий кураш йўсинидан ташқари ҳарбий хизматчилар ҳудудлар бўйлаб жанговар машиналарда кезиб, аҳолини карантин қоидаларига тўла амал қилишга чорловчи

чақириқлар, йўл-йўриқлар, миллий гуруҳ, бирдамлик ва саботни уйғотувчи куй-қўшиқлар билан фуқароларимиз қалбларида маънавий иммунитетни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар қисқа фурсатда ўз ижобий самарасини беради.

**Лейтенант
Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Vatanparvar»**



ТАҲЛИЛ

“ Она сайёрамиздаги бугунги вазият ҳақида беҳабар одам бўлмаса керак. Шундай одам топилганда ҳам уни жамият замона кишиси сифатида қабул қилолмасди. Чунки коронавирус балоси биргина миллат ё мамлакат ёки қитъага эмас, балки бутун Ер юзига тааллуқли муаммога айланиб улгурди. Ҳа, бугун дунё аҳли шу касалликка қарши курашмоқда. Дунёда ҳозирча ёлғиз Хитойгина бу жангда ғалаба қозонган давлат бўлиб турибди.

Хўш, Хитой коронавирусни қандай енгиб ўтди? Бу курашда армиянинг роли қандай бўлди? Умуман, касалликка қарши курашаётган давлатлар армияси бу кўринишдаги жанговар топшириқни қай тарзда бажармоқда? Қуйида шулар ҳақида ўқисиз (*дарвоқе, расмий Пекин коронавирусни Хитойга америкалик ҳарбийлар олиб келган, деган тахминни илгари сурган эди*).

ХИТОЙДА БОШЛАНГАН ЖАНГОВАР ТОПШИРИҚ

Хитойнинг марказий ҳарбий кенгаши Ухань шаҳрида тарқалган коронавирусга қарши курашга армияни ҳам жалб этади (*шу тариқа дунё армиялари мана шу кўринишдаги жанговар топшириққа бирин-кетин жалб қилина бошлади*). Уханнинг пульмонология госпитали интенсив даволаш бўлимига юборилган ҳарбий шифокорлар маҳаллий шифокорларга эпидемияга қарши курашда катта ёрдам кўрсатди. Шу тариқа Хитой бу касалликни енгиб ўтди.

Ҳозирда Хитой коронавирус вакцинасини ишлаб чиқиш устида бош қотирмоқда. Эйтиборлиси, COVID-19 га қарши вакцина Хитой Халқ-озодлик армияси Ҳарбий тиббиёт академияси олимлари (!) ва маҳаллий фармацевтика компанияларининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.



ДУНЁ АРМИЯСИ КАРАНТИН ДАВРИДА

У яна энг қийин
паллада кўмакка шай



ФРАНЦУЗ АРМИЯСИ «ДАХЛСИЗ ДУШМАН»ГА ҚАРШИ

Францияда ҳам вазият ўта жиддий. Президент Макрон мамлакат фуқароларининг алоҳида сабабсиз ўйни тарк этишини тақиқловчи фармонни имзолади. У мактаб, дўкон, кафе ва музейлар ёпилиши етарли чора бўлмаганини айтмоқда.

«Шифокорлар вазият нақадар жиддийлиги тўғрисида огоҳлантирганига қарамай, одамлар хиёбон, бозор ва ресторанларда йиғилишда давом этиб, ҳукумат фармойишларини инкор этмоқда», дейди Макрон миллатга 20 дақиқалик телемуурожаатида.

Француз армияси асосан беморларни шифоналарга ташиш билан шуғулланмоқда. Шунингдек, мамлакатдаги вазият барқарорлигини таъминлашда ҳам армияга таянилмоқда.

ГУБЕРНАТОР АРМИЯДАН ЁРДАМ СЎРАДИ

Эпидемиядан энг кўп жабр кўраётган давлатлардан бири бўлмиш Италияда армия карантин қоидаларини текшириш учун кўчаларда патруллик қилмоқда.

Италян армияси аҳолининг ўзини ўзи изоляция қилиш чораларини тўлиқ назоратига олган. Ушбу қарор Ломбардия вилояти губернатори Аттилио Фонтана армиядан полицияга карантин қоидаларига риоя қилинишини таъминлашда ёрдам беришини сўраганидан кейин қабул қилинди.

Шунингдек, Италия армияси вафот этган кишилар тобутларини шаҳардан олиб чиқиш кетиш ишларини ҳам бажармоқда.

АФҒОНИСТОНДА ҚИЗИҚ БЎЛЯПТИ

Шу кунга қадар тинчлик нималигини билмай келаётган афгонлар қизиқ воқеаларнинг гувоҳига айланапти. Тolibлар Афғонистон армияси ортидан коронавирусга қарши курашга қаратилган чора-тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

«Тolibон»га бўйсунувчи ҳудудларда жангарилар тинч аҳолига коронавирусга қарши қандай курашиш бўйича маслаҳатлар битилган варақалар, совун ва тиббиёт ниқобларини тарқатмоқда. Ҳозирда «Тolibон» уюшмаси алоҳида диагностика ва даволаш марказларини ташкил этиш ва ишга тушириш мақсадида фондга маблағлар ажратиш бўйича ишлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, толиблар халқаро ташкилотларни ҳам коронавирусга қарши ку-

рашда ҳамкорликка чорлаган.

Таъкидлаш жоизки, 24 март санасидан буён толиблар ҳеч қандай жанговар ёки тажовузкор ҳаракатларни амалга оширгани йўқ. Ким билсин, Афғонистондаги тинчлик келишуви масаласида АҚШ эмас, балки коронавирус ёрдам берар.

ҚОЗОҒИСТОНДА НИМА ГАП?

Қозоғистон Қуролли Кучлари дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун биологик химоя бўлинмаларини тузмқда, полиция эса фавқулодда вазиятда профилактик чора-тадбирларни олиб бориш ва тартибни сақлашга қўмаклашмоқда.

Мамлакатда 15 мартдан 15 апрелга қадар фавқулодда ҳолат эълон қилинган. 23 март куни Фавқулодда вазиятни назорат қилиш давлат қўмитаси учрашувида Президент Қасим-Жомарт Тоқаев армия ва полицияга профилактик чораларни амалга ошириш ва жамоат тартибни сақлашга буйруқ берди.

Шундан сўнг касаллик тарқалишига қарши профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ва тартибни сақлаш мақсадида мамлакат бўйлаб полиция ва ҳарбий патруллар жойлаштирилди.

Айни вақтда Қозоғистон Қуролли Кучлари Биологик химоя бўлинмаларини сафарбар этишга буйруқ берган. Улар индивидуал зарарсизлантириш тўпламлари ва дезинфекцияловчи эритмалар билан таъминланган бўлиб, Қозоғистон шаҳарларидаги мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари, савдо марказлари, бозорлар, масжидлар, темир йўл вокзаллари, пиёдалар йўлакчалари, бекатлар, хиёбонлар ва майдонларни тозаламоқда.

Ҳарбийлар хорижда қолиб кетган қозоғистонликларни Ватанига қайтаришга қўмаклашмоқда. Қирғизистон, Саудия Арабистони ва Қувайтда қолиб кетган 56 нафар қозоқ фуқароси 24-25 март кунлари ҳарбий самолётларда Қозоғистонга олиб келинган.

Шу билан бирга, мудофаа соҳасида фаолият юритадиган «Қазақстан инжиниринг» пудратчи корхонаси 25 март куни тиббий муассасаларга 180 та сунъий нафас олдириш аппарати етказиб берилганини маълум қилди.

GERMANYA ARMIYASI ЁРДАМГА ШАЙ

Германия Қуролли Кучлари – Бундесвер эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, зарур чораларни кўрмоқда. Ҳозирда улар фуқаролик соҳасига ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирмоқда. Бундесвернинг тиббий бўлимларида 20 мингга яқин қўшин бор. Ҳозирга қадар улар фавқулодда вазият юз берса, ёрдам кўрсатиш мақсадида 5 та дала касалхонасининг «кучини синаб кўрди». Ушбу шифохоналарда сунъий нафас бериш мосламаларидан интенсив терапияга муҳтож бўлган оғир беморлар учун жой ҳозирланган.

Оддий вазият учун бу етарли, аммо экстремал ҳолларда ҳозирланган жойлар сони камлигини Бундесвер ҳам яхши англаб турибди. Коронавируснинг на миллат, на элат ва на касб танламаётганини инобатга олиб, немис ҳарбийлари ҳеч бўлмаса ўз-ўзини жой билан таъминлаш масаласини биринчи галда ҳал этишга киришди. Яъни жойлар кўпайтирилмоқда. Аммо



Коронавирусга қарши курашда дунё армияси:



вазият ўта жиддий тус оладиган бўлса, ҳарбийлар томонидан аҳолига ҳам тиббий хизматлар кўрсатилишига ишонтirilмоқда.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ҚУРОЛСИЗМИ?

Коронавирусга қарши курашда ўз давлатига ёрдам бераётган армиялар ҳам хавфдан холи эмас. Касаллик жанговар сафларга ҳам кириб борган. У давлатлар Қуролли Кучларига-да таҳдид солмоқда. Чунки Қуролли Кучлар коронавирусга қарши қуролсиз эди ва дунё армиясидаги вазият кундан кунга ёмонлашмоқда.

Дунё мамлакатлари армиясига назар ташладиган бўлсак, кўплаб юқори мартабали ҳарбий хизматчилар касалликни юқтириб олган. Италия, Греция, Эрон, Миср армиялари COVID-19 дан ҳайратда. Италияда ҳатто 9 та генерал касалликка чалиниб, карантинга олинган. Эрон, Миср ва Юнон қўшинларида ўлим ҳолати қайд этилди. Эпидемия Бельгияда жойлашган НАТО штаб-квартирасига ҳам етиб борди.

Ҳозирча дунё армиялари ичида энг кўп талафот кўргани бу АҚШ армияси бўлиб турибди. Боиси америкалик ҳарбийлар орасида коронавирусга чалинганлар сони бошқаларникига нисбатан кўпроқ. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу АҚШнинг бир неча йил қўшма штатлардан ташқари бошқа худудларда жанговар амалиёт ва машғулотларни олиб боришдан чеклаши мумкин.

Нима бўлган тақдирда ҳам армия ҳар бир давлатнинг таянчи. У мамлакат тақдирига дахл қиладиган ҳар қандай хавфни бартафоз этишда энг олдинги сафларда бўлади.

Исломжон ҚҶЧҚОРОВ тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

“ Онгимизда инсоният ўта қудратли ва енгилмас, у барча балоларни зумда бартараф эта олади, деган тасаввур анча шаклланиб қолган эди. Аммо дунёда юз бераётган сўнгги ҳодисалар бунинг тамомила акси эканлигини кўрсатиб турибди. Коронавирус гуриллаб ишлаб турган дунёдаги тириклик моторини бир мартага ўчириб қўйиши мумкин эканлигини кўрсатиб қўйди ва унинг қисқа-юлуқ хуружларини айнан бугун бошимиздан ўтказиб, кўксимизни чангаллаб ўтирибмиз.

«ЭНДИЯМ ШИФОКОРНИ УРАСИЗМИ?»

Атрофга разм солинг: биз дунёни бошқарамиз, бизда ривожланмаган соҳанинг ўзи йўқ, деб оламга аюҳаннос солган, ўзидан бошқаларни оёқ учида кўрсатиб келган давлатларнинг ҳоли не кечмоқда? Уларнинг тиббиёти, иқтисоди ва бардоши, инсонийлиги (*вирус таркаган деган хавф ила маҳбуслар билан лиқ тўла турмаларга ўт қўйганларни эсланг*) қай аҳволда эканлиги аён бўлиб қолмадими? Майли, нима бўлганда ҳам бугун бировнинг устидан куладиган ёки уларнинг хатосини юзига соладиган пайт эмас. Бугун ҳамма ўзини ўзи таҳлил қиладиган, босиб ўтган йўлига бир қўр назар ташлайдиган ва шу хулосалари билан эртанги куни учун режа тузадиган палла. Шу нарсани тўғри англаш керакки, бу инсоният учун огоҳлик қўнғироғидан бошқа нарса эмас.

ИККИ ХИЛ ЛИБОСЛИ ПОСБОНЛАР

Дунёдаги бугунги вазият инсониятни чиндан ҳам эсанкиратиб қўйди. Мана шу пайтда одамларимиз жонига биринчи галда шифокорлар ва ҳарбий хизматчилар оро қирипти, десак, гапимизни асло муболағга йўймағайсиз. Карантинга олинган алоҳида объектлар хавфсизлигини таъминлаш, ташкил этилган блок-постлар назорати, касалликка чалинган ва соғлом фуқароларимиз саломатлигига жавобгарлик ҳисси – буларнинг бари мана шу икки хил либосли икки касб эгаларини бугун ҳар қачонгидан-да ҳушёр бўлишга ундаб турибди.

Шу нарсани тан олишимиз керакки, сизу биз Ватан ҳимояси йўлида жонини тиккан, унинг тинчлиги, фуқаролар хавфсизлиги учун туну кун бедор бўлган ҳарбийларни асосан йилда бир марта – Ватан ҳимоячилари куни арафасида ёдга оламиз. Аммо улар ҳар лаҳзада эсланишга арзийди.

Шифокорларни олайлик. Яқин-яқингача ҳам бошини кўтариб юролмайдиган касб

эгалари эди улар. Нима учун? Кимдир уларни ёппасига порахўрга чиқарса, кимлардир алампидан чиққунча дўппослади. Аммо ҳеч ким куннинг исталган пайтими ё ярим тунда бўладими, бемор уйига бориб, уни ўлим исканжасидан қўтқариб қолганини эсламади. Эсласа ҳам «касби шу бўлганидан кейин қилади-да» қабилидаги муомаладан нарига ўтмади.

Хўш, бугун-чи? Шифокорлар бугун ҳам ўз бурчига, Гиппократ қасамига содиқ қолиб, «эсингдами, сен мени хўрлагандинг, дўппослагандинг?» деган гапни хаёлига ҳам келтирмай, ўзини калтаклаган қўл томирларига нажот томчиларини юборяпти. Ўша пайт уларнинг юзига қарай оляямизми? Яхшиям юзларига ниқоб тақишган-а? Унда журъатингиз етса, кўзларига қараб кўринг бир.

КўНГИЛ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Республикамиз бўйлаб ташкиллаштирилган хайрия ишлари марказлашмагунга қадар кўплаб ташкилот ва идоралар қатори ҳарбийларимиз ҳам боқувчисиз, ёлғиз, эҳтиёжманд оилаларга ўзларининг беминнат ёрдамларини бериб келишди. Шакллантирилган рўйхат асосида хонадон қўнғироқлари чалинади. Эшикни очган юпун ватандошларимиз кўлида бозор-ўчар кўтарган ҳарбий либосдаги кишиларни кўриб, бир зум нима бўлаётганини англолмай қолади. Бир онахоннинг кўздаги ёш билан улар ҳақида айтган гапи ҳали-бери ёдидан кўтарилмас керак: «Сизлар нафақат она Ватанни, балки биз, ватандошларнинг кўнглини ҳам ҳимоя қилар экансиз...»

Ҳа, шу кунларда оддий инсонлардан тортиб, катта-кичик давлатлар ҳам синовдан ўтапти. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистоннинг, она Ватанимизнинг фуқаролар олдига юзи ёруғ. Чунки мамлакатнинг хоҳ ичкарасидаги, хоҳ ташқарисидаги



ҳар бир фуқароси учун чин маънода қай-қуриляпти. Махсус авиарейслар орқали чет давлатлардан қанчадан-қанча юртдошларимиз олиб келинди ва улар саломатлиги учун жон куйдирилмоқда. Карантинга олинган фуқаролар сони кўплиги боис сихатгоҳлар, оромгоҳлар ва бошқа кўплаб муассасаларда тиббий кузатувлар жорий этилди. Афсуски, мана шу вазиятда ҳам норози бўлгувчилар топилмоқда. Не-не музокара-ю келишувлар билан амалга ошаётган бу ишлардан фақат миннатдор бўлиш керак эмасми, аслида? Бундай кишилар Филиппин Президенти карантин қоидаларини бузган ва ундан қочган ўз фуқароларини отиш учун рухсат бергани ҳақида эшитмаган шекилли?

Гурунгимиз Хитойда бошланган корона-вирус мавзуси атрофида кечгани боис Чин юртига оид бир воқеа ёдимизга тушди. Қадим хитойликлар душманлардан сақланиш учун Буюк Хитой деворини қуришган. Улар ишонганки, девор қанчалик баланд ва мустаҳкам бўлса, уни ошиб ўтиш шунчалик қийин бўлган. Аммо... Девор қурилгандан кейинги юз йилликда Хитой уч марта ташқи душман ҳужумига учрайди. Ҳар сафар ёғийнинг қуруқликдаги қўшини деворни тешиб ёки ошиб ўтишга мажбур бўлмаган. Балки қўриқчиларга пора бериб, тўғри қалъа дарвозаларидан кириб борган. Ушанда хитойликлар девор қуриш билан овора бўлиб, қўриқчи қуришни унуттишган. Хулоса шуки, одамни бино қилиш ҳар қандай қалъани бино қилишдан мушкулдир.

Нима демоқчимиз? Пешонамизга битган бўлса, бу синовли кунлардан ҳаммамиз ўтамиз. Лекин энг муҳими, ундан қандай юз билан ўтишимиздадир! Сўнгги гапимиз шу: синовларда бардошли, сотилмайдиган ва сотмайдиган вужуд соҳиби – ҳазрати инсон БИНО бўлинг.

Исломжон ҚўЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

СИЁСИЙ ШАРҲ

Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилди. Бу тасодифий эмас, албатта. Уруш юзига келтирган мудҳиш қулфатларни энгишда одамларга елкадош бўлиш бу ташкилотнинг зиммасидаги улкан вазифа эди. Уша пайтларда БМТ низомида давлатларнинг низоли вазиятларда куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик тамойили мустаҳкамланганди.

ҲАЁТДА АКС ЭТМАЁТГАН ТАҚИҚ

Шу тариқа давлатлар ўртасида тинчликни асраш, алоқаларни мустаҳкамлаш учун бирин-кетин чоралар кўрилади бошланди ва БМТ доирасида шу масала билан боғлиқ ҳаракатлар бугунгача давом этапти. Аммо урушни тақиқлаш билангина уни йўқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаш, албатта, соддалик бўлади.

«Қайноқ нуқталар» – Югославия,



Ливия, Ироқ, Сурияда ҳамда собиқ Иттифоқ парчаланганидан сўнг МДҲда юз берган қуролли тўқнашувлар, фуқаролар урушлари ҳам шундан далолат беради. Маълумотларга кўра, 1945 йилдан буён ҳозирги вақтгача 150 дан ортқ турли уруш ёхуд қуролли низолар юзга келган. Ана шу далилларнинг ўзи ҳам урушни тақиқлаш чинакам инсонийлик ва одиллик бўлишига қарамасдан, ушбу тақиқни ҳаётда ҳақиқатан амалга ошириш қанчалик қийинлигини кўрсатиб турибди. Аини дамда дунёнинг турли бурчакларида давом этаётган уруш ҳаракатлари ҳамон энг улкан ижтимоий офатлигича қолмоқда, одамларни жабру жафоларга, ватангадоликка, улкан йўқотишларга маҳжум қилмоқда. Аини шу сабабли тўхтамаётган қуролли низолар билан боғлиқ муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш долзарб аҳамият касб этиб борапти. Тўғри, пандемияга айланган коронавирус эпидемияси Ер юзидagi Учинчи жаҳон уруши ёқасига келиб қолган кескинликни юмшатгандек бўлди. Европада Россия хавфига қарши қаратилган НАТОнинг йирик ҳарбий ўқув машқлари бекор қилинди, корейс яриморлида АҚШ ва Жанубий Корея ҳарбийларининг жанговар машқлари ҳам кечиктирилди. Аммо Россия ва АҚШнинг қисқа ва ўрта оқимликка учадиган ракеталар шартномасидан чиқиши, уни тиклаш борасида музокараларга қайтилиши, қуролланишга оид дунё давлатлари ҳаражатларининг ошиб бораётгани безовта башариёт очқўзлик ва хирсдан буткул вош кеча олмаслигини намойиш этапти.

1966 йилда Швеция Бош вазир Таге Эрландер ғояси билан асос

ТўПЛАР ТИЛГА ОДАМЛАРНИ КИРГАНДА ЎЛДИРАДИ...

солинган, қуролланиш ва қуролсизланиш устидан назорат масалалари билан шуғулланувчи тинчлик муаммоларини тадқиқ қилиш Халқаро институти тарқатаётган маърузаларида ҳам йилдан-йилга қуролланишга сарфланаётган ҳаражатлар ошиб бораётгани айтилади. 2019 йил якунларига оид ҳисоботда охири беш йилда дунё давлатлари ҳарбий ҳаражатлари 13 фоизга ошгани, ҳисобот йилида кўрсаткич 1 триллион 600 миллиард долларга етгани айтилади. Яқин уч йилда ушбу рақамлар яна 10 фоиз кўпайиши кутилмоқда. Курол ишлаб чиқаришга Шимолий Америка, Осиё ва Европа мамлакатлари энг кўп пул сарфлаган, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари эса аксинча, мудофаа кўрғонларини мустаҳкамлаш билан овора.

АВЖИГА ЧИҚҚАН ПОЙГА

Ҳарбий ҳаражатлар карвонбоши – АҚШ. Дунёнинг энг қудратли бу давлати йилига ҳарбий мақсадлар учун 690 млрд доллар, яъни Швейцария



рийнинг йиллик ялпи ички маҳсулоти миқдорига тенг маблағ сарфламоқда. 2002 йилдан 2018 йилгача Қўшма Штатлар ҳарбий соҳага 3,4 триллион доллар сарфлаган. 2017 йилда йиллик ҳарбий ҳаражат борасида ҳеч бир давлат АҚШ сарфлаган маблағнинг ярмига ҳам ета олмаган – 610 миллиард доллар. Бу бутун дунёдаги ҳарбий ҳаражатларнинг 35 фоизини ташкил этади. Кейин Хитой, ундан сўнг Саудия Арабистони. Россия бу «пойга»нинг 8-ўринида. Давлатларнинг ҳарбий дастурлари гипертювшли қуроллар, робототехника яратишга қаратилган. Замонавий қуролларни ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тобора қimmatлашиб кетаяпти. Ер кўррасида танглик ўсиб бориши ордан тобора янги қуролларга талаб ошмоқда. Эҳтимолий босқинлардан иҳоталаниш мақсадида давлатлар имкон қадар кўпроқ қурол-яроғ сотиб олмақда. Биргина Жанубий-шарқий Осиё фақат четдан қараганда тинч. Хитой худудий даъволарини бошлаганидан кейин минтақа давлатлари хавфсизлик чораларини кучайтириш пайига тушиб қолиши. Катта-катта партияларда авиация, ҳарбий-денгиз техникаси, ракеталар сотиб олинмоқда. Бунча қурол-аслаҳа бир жойда жам бўлишининг ўзиёқ исталган пайт уруш оловини ёқиш учун етарли. Йирик давлатларнинг у ёки бу минтақада таъсир доирасини кенгайтириш учун олиб бораётган курашлари, ядро қуролларини тақомиллаштириётгани кўпчиликни хавотирга солмоқда. 2019 йилнинг 2 август куни АҚШ ва Россиянинг «Ўрта ва қисқа масофага учувчи ракеталарни йўқ қилиш тўғрисида»ги шартномасидан расман чиқиши, айниқса, Европада кучли

акс садо берди. Чунки ўртада низо чиққудек бўлса, бундан биринчи навбатда «кўҳна китъа» азият чекади.

АЙБДОР КИМ?

Қисқа ва ўрта масофага учувчи ракеталарни тугатиш бўйича (ҚЎМУРТБ) шартноманинг бекор қилиниши ордан АҚШ ва Россия ўртасида янги бир қуролланиш пойгаси бошланаётгандек туйилмоқда. Бу пойга натижасида даҳшатли ракеталар пайдо бўлиши мумкин. АҚШ Президенти Дональд Трамп 1987 йили Михаил Горбачёв ва Рональд Рейган томонидан имзоланган мазкур шартномадан чиқишдан бошқа чора қолмаганини маълум қилган. Трамп бунга Россиянинг узоқ йиллар давомида ҚЎМУРТБ шартномаси шартларини бузиб келганини сабаб қилиб кўрсатган. «Эҳтимол, биз Хитой ва бошқа давлатларни ҳам кўшган ҳолда, янги шартнома бўйича келишувга эриша олармиз. Эҳтимол, йўқ», деган эди Президент



Трамп Конгрессга мурожаатида. Бироқ мудофаа соҳаси экспертлари расмий Пекиннинг бундай шартномага кўшилиши эҳтимоли жуда камлигини таъкидламоқда. Сабаби қисқа ва ўрта масофага учувчи ракеталар Хитойнинг асосий мудофаа тузилмасини ташкил этади. Шу тариқа ушбу шартноманинг бузилишида АҚШ ва Россия бир-бирини айбдор санашдан чарчамаюпти.

Россия АҚШга шартномага қайта амал қилиши ва бир қанча турдаги мудофаа қуролларини йўқ қилишни тақдир этган. АҚШ расмийларининг ишоничи, Россия «Искандар М» комплекси учун 9М729 ракетасини ишлаб чиққан ва бу ракетанинг учуш масофаси белгиланган 500 километрли чекловдан кескин ошиб кетади. АҚШ Россиянинг нафақат учуш масофаси 500 километрдан анча кўп бўлган ракеталар ишлаб чиқаргани, балки уларни синовдан ўтказганини ҳам иддао қилмоқда. Аммо Москва синовлар чоғида 9М729 учиб борган энг олис масофа 480 километрни ташкил қилганини таъкидлаган. Далил ўрнида россиялик ҳарбийлар 9М729 учун мўлжалланган ташувчи-учирувчи контейнерлар ва ракета схемасини намойиш этган. АҚШ Давлат Департаменти Би-Бисига ушбу намойишнинг «бутун жараёни назорат остида ўтгани»ни айтиб, ундан қониқиш ҳосил қилмаганини билдирди. Бошқа томондан Россия Европада жойлаштирган ПРО ракета учирши тизимлари АҚШнинг Tomahawk русумидаги қанотли ракеталарини учиршида қўлланилиши мумкинлигидан хавотир билдирган. АҚШ эса бу тизимларнинг шартнома талабларидан четга чиқмаслигини маълум қилган.

ПУТИН НИМА ДЕЙДИ?

Президент Трамп маъмурияти баёнотидан атиги бир кун ўтиб, Владимир Путин ҳам Россия ҚЎМУРТБ шартномасидаги иштирокини тугатишини эълон қилган. Бундан сўнг Россия қандай ракеталар яратиши ҳақида мудофаа ишлар вазири Сергей Шойгу ўтган йилнинг 5 февраль кунинда маълум қилган. Шойгунинг сўзларига кўра, Россия 2019-2020 йиллар давомида узоқ масофага учувчи қанотли ракеталарга мосланган денгизда асосланган Калибр комплексининг қуруқликдаги намунасини яратиш борасида иш олиб бориши лозим. Шунингдек, 4 февраль Россия матбуотида «атмосфера ва космосда гипертювшли тезлигида учушга мўлжалланган самолёт типидagi учувчиси аппаратлар» схемаси ҳам пайдо бўлди. Ордан бир кун ўтиб эса ядро каллаки ракета учирши имконига эга бўлган ва сув остида 200 километрга қадар ҳаракатлана олувчи Посейдон сувости аппаратининг синовдан ўтказилгани хабар қилинган. Аммо бундай



схемалар ва тилга олинган аппаратларнинг ҳақиқатан мавжудлиги ҳозирча ўз тасдиғини топмаган. Президент Владимир Путин: «Россия ҳар қандай тажовузкор кучдан кўра қудратлироқдир», деб айтган. Чунки Россия ўзининг ядровий ракеталари ва бошқа ҳарбий кучларини замонавийлаштирган. Шунингдек, Россия Президенти АҚШнинг Аксилбаллистик ракеталар бўйича келишувдан чиқишига тўхталар экан, бу билан Вашингтон «янги ядровий қуроллар пойгаси учун замин ҳозирлади», дейди. Аммо Россия қуролланиш пойгасига кирмоқчи эмас. «Кимдир яна қуролланиш пойгасини бошласа, билингки, бу биз эмас. Биз кучимиз етмаган қуролланиш пойгаси учун маблағ сарфламаймиз».

ПОЙГАДА КИМ ЮТАДИ?

Тўплар тилга кирганда одамларни ўлдиради, жим турганда эса ўз яратувчисини хонавайрон қилади. Иқтисодий нуқтанга назардан олиб қараганда, қурол ҳеч қачон ҳаракатсиз бўлмайди. Ҳатто тинчлик даврида ҳам вайрон қилиш учун яратилган қурол дунёга келиши биланоқ иқтисодиётнинг, яъни бой, фаровон турмуш кечиршига бўлган умидни яқсон этади. Шундай экан, бу пойганинг мутлақ ғолиби бўлмайди. Умид қиламизки, коронавирус пандемияси тарқаган, минглаб инсонларни забтига олган бир пайтда инсоният ўзига тегишли хулоса чиқаради, дунёнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатдан энг қудратли давлатлари мурося йўлини топшиши ва сайёрамиздаги тинчликка раҳна соладиган низолар содир бўлмайди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ОЛИСЛАРДАН
ЭШИТИЛГАН
ХЎРСИНИК

« Иккинчи жаҳон уруши ва фашизм устидан қозонилган ғалабага меҳнаткаш халқимиз қўшган ҳиссаси, салмоғи қанчалик катта эканлигини англаш учун рақамларни келтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу салмоқнинг қанчалик залворли эканлигини англаш учун урушнинг ҳар бир хонадонда қолдирган мудҳиш хотираларини тинглашимизга тўғри келади. Бу хотиралар ўнта, юзта ёки мингта эмас, миллионлаб...

ЮЗ МИНГЛАБ
НОМАЪЛУМ ТАҚДИРЛАР

Урушнинг дастлабки йилларида фашистларнинг тўсатдан уюштирган ҳужуми туфайли совет армияси жуда катта талафотларга учради. Гарчи 1939 йил 28 сентябрда Германия ва СССР ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида Молотов – Риббентроп шартномаси имзоланган бўлса-да, ҳар икки томон ҳам жиддий тўқнашувга тайёргарлик кўриб борарди. 3-Рейх деб ном олган ирқчи фашистлар бирин-кетин Европа давлатларини босиб олишга киришиб кетди. Гитлер ва унинг атрофига тўпланган тарафдорлари дунёда янги ҳукмронлик ўрнатиш мақсадида бошқа миллат вакилларига иккинчи даражали инсонлар сифатида қараган. Шу мақсадда улар 1941 йилнинг ўрталарига келиб, Европанинг деярли барча давлатларини босиб олишга муваффақ бўлди. Фашистларнинг асосий режаси СССРга яшин тезлигида ҳужум уюштириб, уни Украина, Московия, Дон-Волга, Кавказ ва Туркистон рейхскомиссариатлари кўриниши остида ўз колонизацияларига айлантириш эди. Германия нацистлари бу борада «Барбаросса» дастури бўйича собиқ Совет Иттифоқига кенг фронтда босқинчилик ҳужумини уюштирди.

Ўз навбатида СССР ҳам Германия томонидан қутилаётган хавфга зўр бериб тайёргарлик кўрарди. Аммо 1918 – 1922 йилларда тузилган РККА (Рабоче-крестьянская Красная армия) Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида фашистларга қаршилик кўрсата оладиган даражада тажрибага эга эмасди. Шунинг учун фашистларнинг тўсатдан уюштирган ҳужуми туфайли миллионлаб совет жангчилари қурбон бўлди ва асирга олинди. «Барбаросса» дастури бўйича амалга оширилган кенг фронтдаги босқинчилик ҳужуми туфайли фашистлар қисқа муддат ичида Украина, Белоруссия, Молдова, Литва, Латвия, Эстония республикаларини ва Псков, Смоленск, Курск, Орёл, Ленинград ҳамда Белгород вилоятларини босиб олди. Мазкур ҳудудлар учун

бўлган жангларда совет армияси 2,5 миллиондан ортиқ шахсий таркибидан ажралди. Афсуски, улар орасида юз минглаб ўзбек ўғлонлари ҳам бор эди. Иккинчи жаҳон уруши давомида Ўзбекистон ўзининг ана шундай 420 минг нафар навқирон йигитларидан ажралди.

ИРОДАСИ БУКИЛМАС
ҚАҲРАМОНЛАР

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларида асирга олинганлар Сталин сиёсати натижасида Ватан хоини деб қаралган. Кейинчалик, яъни 1941 йилнинг декабрига келиб давлат мудофаа кўмитаси қарори билан асирликда бўлганлар учун махсус текширув лагерлари ташкил этилди. Бундай лагерларда 400 мингга яқин ҳарбий хизматчиларнинг асирликдаги фаолияти ўрганилиб, уларнинг 80 фоизи айбсиз сифатида Совет армияси таркибига қайтарилган. Урушдан кейин эса концентрацион лагерлардан 1 836 562 нафар киши озод этилди. Улардан 233 400 нафари фашистлар билан ҳамкорлик қилгани учун ГУЛАГ қамоқхонасида турли муддатлардаги жазо муддатини ўтаган.

Аслида урушнинг дастлабки йиллари асирга олинган ва ҳалок бўлган 2,5 миллиондан ортиқ инсоннинг тақдири фожиали кўриниш олишида Власов, Рудаев, Благоевский, Богданов, Будихо, Закутний, Малишкин, Трухин каби хоин генераллар асосий вазифани бажарган. Киев, Минск, Ленинград, Вязма ҳамда Демянск қуршовларида улардан ташқари 71 нафар генерал қўл остидаги жангчилари билан немисларга таслим бўлган. Уларнинг олти нафари асирликдан қочиб, душман босиб олган ҳудудларда партизанлик ҳаракатларига раҳбарлик қилганлиги мақтовга лойиқ. 26 нафари эса

концентрацион лагерларда фашистларнинг қийноқларидан ҳалок бўлди.

Фашистлар босиб олган ҳудудлар ва Германияда 40 дан ортиқ концентрацион лагерларни ташкил этиб, ўзлари учун иккинчи даражали ирқ деб ҳисобланган ҳамда урушда асирга тушган совет жангчиларини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларга солган. Хоин ва жангда мағлубиятга учраган генералларнинг айби билан юз минглаб ўзбекистонлик жангчилар фашистлар асос солган Бухенвальд, Собибор, Освенцум, Амерсфорт, Варшава, Заксенхаузен лагерларида инсон тасаввурига сиғмас даражада азобларга гирифторм қилинган. Аввалига асирга олинган осийлик асирларга фашистлар билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилган. Аммо концентрацион лагерларда сақланган 80 фоздан ортиқ ўзбек жангчиси хоинликдан кўра ўлимни афзал билишган. Ҳамкорлик қилишга рози бўлганларнинг кўпчилиги эса фашистлар томонидан ташкил этилган Туркистон легиони батальони таркибидан жангга кириб, кейинчалик совет армияси сафига қўшилишга муваффақ бўлган.

Концентрацион лагерлардаги фашистларнинг қийноқлари минглаб ҳамюртларимизнинг иродасини бука олмади. Фашизмга қарши курашнинг барча фронтларида бўлганидек, улар тутқинликда ҳам нацистлар тузумига қарши курашда фаол иштирок этишди. Ана шундай курашларда ортга чекинмаган мард ўзбек ўғлонлари босқинчилар оккупация қилган Белоруссия, Украина, Болтиқбўйи, Молдова, Польша ва Европанинг бошқа ҳудудларида партизанлик ҳаракатларида иштирок этганлиги билан тарих зарварақларидан жой олди. 75 нафар ўзбек жангчиси «Ватан уруши партизани» I ва II даражали медали билан тақдирланди. Инсоният бошига оғир қунларни солган фашизм балосига қарши мардонавор курашган мингдан ортиқ ўзбекистонлик жангчилар

душман билан бўлган курашда ёрқин қаҳрамонликлар кўрсатиб, буюк ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Партизанлик ҳаракатини олиб борган ўзбек қаҳрамонлари сифатида Мамадали Топволдиев (лақаби «Казбек»), Жонибек Отабоев (лақаби «Қасоскор»), Охунжон Қаҳҳоров, Абдуҳамид Сайдалиев, Одамбой Муратов, Ниғмон Ражабов, Сайфулла Нуруллаев, Уксанбой Холматов, Қулмат Мамадалиев, Маматхон Жалилов, Аҳмад Мамажонов, Турғун Қўчқоров, Шариф Самадов, Омон Бердиев, Али Исаев, Қаландар Қурбонов, Абдулла Исахонов, Ҳамза Қўзибоев, Бектош Мирзаев, Саид Мусахонов каби минглаб ўзбек жангчилари Украина, Белоруссия, Ленинграддаги партизанлик отрядларида босқинчиларга қарши курашда жонбозлик кўрсатишган.

Шунингдек, немис концентрацион лагерларидан қочишга муваффақ бўлган мард ва жасур ўзбек йигитлари Польша, Югославия, Албания, Болгария, Венгрия, Греция, Италия, Норвегия, Руминия, Франция, Чехословакия халқ озодлик армиялари сафларида турли миллат вакиллари билан биргаликда душман кучларига етарлича талафотлар етказишда иштирок этишди. Айниқса, ўзбекистонлик Мурот Ўролов томонидан кўрсатилган жасорат ҳар қандай таҳсинга лойиқ. У 229-ўқчи дивизиясида взвод командири сифатида 1942 йили Харьков остонасидаги жангларда асирга олинган. Немислар томонидан ташкил этилган Туркистон легиони батальонларидан бири таркибида 132 нафар жангчи билан «БХ» («Батальоны хлопске» – «Дехқонлар батальони») деб номланган Польша партизанлари таркибига қўшилган ҳолда фашист босқинчиларига қақшатқич зарбалар беришда тилларда дoston бўлди.

ОЛИСЛАРДАН ЭШИТИЛГАН ХЎРСИНИҚ

1939 – 1945 йиллар давомида бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши пайтида фашистлар инсоният тарихидаги энг жирканч жиноятларни амалга оширган. Ғалабадан кейин Нюрнбергда бўлиб ўтган халқаро судда бундай жиноятларга алоқаси бор бўлган барча фашистлар раҳбарлари тегишли тарзда жазоланди. Аммо улар томонидан миллионлаб инсонларга етказилган



чуқур жароҳат излари йиллар ўтса ҳамки қалбларни ларзага солиб келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, фашистлар концентрацион лагерларда асирларни даҳшатли қийноқларга солиб азоблаган. Улар томонидан амалга оширилган жиноятларни ҳеч бир замон одоб ва ахлоқи билан оқлаб бўлмайди. Ана шундай мудҳиш жиноятлар бизнинг ота-боболаримизга нисбатан ҳам қўлланилган.

1941 йил 10 июль – 10 сентябрь. Смоленск учун бўлган жанг. Фашистлар Германиясининг 37 та дивизиядан ташкил топган бир неча армиялардан «Марказ» ва «Шимол» гуруҳлари Совет Иттифоқининг 64 та дивизиясини роппа-роса икки ой давомида мағлубиятга учратди. Совет армияси ушбу жангларда 760 минг шахсий таркибини йўқотди. Фронтлардаги стратегик назоратни қўлдан чиқарган совет армиясининг Киев ҳамда Вязма йўналишларидаги қўшинлари қуршовга тушиб қолди. Босқинчилар томонидан ўн минглаб совет жангчилари асирга олинди, Польша, Германия ва Голландиядаги концентрацион лагерларга юборилди. Уларнинг бир қисми, яъни 101 нафар ўзбекистонлик асир жангчи Амерсфортга олиб келинди ва рус тилини биладиган офицер томонидан сўроқ қилинди. Уларнинг ўзбекистондан, аксарияти

Самарқанддан эканлиги маълум бўлгач, фашистлар ўрта осиелик асирларни хўрлаб, тинимсиз қийноқларга сола бошлаган. Чунки ўзини олиқирғач вакиллари деб санаган фашистлар ҳамюртларимизга нисбатан иккинчи даражали шахслар сифатида муомала қилишган.

Гарчи немис қўшинлари Смоленск йўналишида катта муваффақиятга эришган бўлса-да, Гитлернинг кузга қадар Москвани эгаллаш режалари барбод бўлганди. Шунинг учун Гитлер қўшиндаги жанговарликни ошириш мақсадида совет жангчиларини таҳқирловчи фильм олишга топшириқ беради. Бу ишга масъул бўлган рейхсканцлер Гиббельс кўрсатмасига биноан осиелик асирлар устида инсонни таҳқирловчи турли хил синовлар олиб борилади. Бошқа асирлардан фарқли ўларак, ўзбекларга озик-овқат деярли берилмайди. Уларни усти очик иншоотларда сақлашади. Голландиялик журналист Ремко Рейдинг ва 91 ёшли амерсфортлик гувоҳ Хенк Брукхаузен келирган маълумотларга кўра, очлик ва қийноқ азоблари, бунинг устига қишнинг қаҳратон совуғидан 24 нафар ҳамюртимиз омон чиқмаган. Қолган 77 нафар асир Гиббельс кўрсатмасини бажармаганлиги учун 1942 йил отиб ташланган. Тасаввур қилинг, эндигина навқирон ёшда бўлган бу бахтиқаро йигитларнинг олис Голландия ўрмонларида ном-нишонсиз ўлим топиши қанчалик аянчли. Ўлими олдидан туғилиб ўсган юртини кўриш армон бўлган бўз йигитлар, жасади ўзга юртларда қолиб кетишидан афсусланиб, ота-онаси, яқинлари, севган ёрлари сиймосини кўз олдига келтириб ғам чеккан, чуқур хўрсинган у азаматлар...

Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, уларнинг олис Голландия ўрмонларида қолиб кетган хўрсиниқ овозларини бутун дунё эшитди. Бир неча йилдан буён ушбу иш юзасидан изланишлар олиб борган Ремко Рейдинг аввалига Россияда, кейин эса юртимизда бўлди. У ўзбекистонга келганда ўша пайтда голланд асирларидан бири ўзбек жангчиларидан тўққиз нафарининг расмини чизган ва Қодиров Ҳотам ва Муратов Зоир деб қайд этилган инсонларнинг яқинларини суриштирди. Шунингдек, Рейдинг Амерсфорт концлагер музейида сақланаётган икки нафар ўзбек асири тасвирланган фотосурат бўйича ҳам жойларда суриштирув ишлари билан шуғулланди.

Ҳа, айтганча, биз Самарқандда ижодий сафарда бўлганимизда вилоят мудофаа ишлари бўлими ходимлари Ҳотам Қодиров Жомбой туманидан эканлигини айтишди. Шунингдек, Анвар Эргашев ва унинг рафиқаси Юлия Медведовскаянинг «Бир юз бир» романи чоп этилди. Ушбу роман асосида Самарқанддаги «Сазаган» полигонда фильм суратга олинапти. Ремко Рейдинг олиб борган тадқиқотлар ва унинг Россия ҳамда ўзбекистонга уюштирган сафарларининг самараси ҳозирча шу. Келажакда Гитлер ва Гиббельснинг режаларини барбод қилган 101 ўзбек қаҳрамонининг тақдири ҳақида яна кўпроқ маълумотлар тўпланишига умид қиламиз. Бунинг учун бизга Самарқанд вилояти ҳокимлиги, вилоят, туманлар мудофаа ишлари бўлими ходимлари ва Смоленск жангида қатнашган дивизияларнинг архив ҳужжатларини синчковлик билан ўрганиш ёрдам беради. Нима бўлган тақдирда ҳам юрт озодлиги учун курашда ўз жонини фидо қилган юртдошларимиз хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз. Зеро, юқорида айтганимиздек, фашистлар режасига кўра, ўрта Осие Туркистон рейхскомиссариатлигига айланмади. Бунга Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 1,5 миллион ўзбек жангчисининг ҳар бири ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.



ЖАЛОЛИДДИН ҚЎШИҚ БЎЛИБ БЕРЛИНГАЧА БОРГАН

МУНОЖОТ

Инсон майдалашаяптими ёки унинг орзу-истаклари? Баъзан атрофдаги воқеа-ҳодисаларга қараб, шундай фикр ҳаёлга келади. Тонг билан ҳазрат Навоийнинг «Муножот»ини ўқидим. Ҳазратнинг умри сўнггида Аллоҳ таолога илтижо, тавба, тавалло ва муҳаббат изҳори сифатида ёзилган «Муножот» асари тасавури кенгликларига сиғади. Бир томондан Ҳазрат айтган гуноҳлар лашкари ҳужум қилди. Иккинчи томондан хоин нафс таслим бўлишни истамди. Шу сабаб мен ҳам майда-чуйдаларга ўралашдим. Телеграмни очдим. Интернетни кузатдим. Вақтни ўлдирдим. Эвазига нафс яна ғолиб. Кимдир карантин қоидаларига амал қилмай қамалган. Қайсидир юрт раҳбари бебошларни отишга ҳам рухсат берибди. Кимдир карантинда уйга қамаб қўйилганидан норози. Хўш, қаёққа борасан? Қаёққа чопасан? Кимни топасан? Шошганинг – тобора майдалашаётган орзуларми? Ўзим ҳам шунинг ичиданман-ку. Ҳазрат шивирлайди.

«Болам, Навосоз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл». Мен ғофил яна тушунмадим. «Муножот»га юзлан, деди. Гафлат уйқусидан, жаҳолат мастлигидан уйғонгандек бўлдим. **Сизлар ҳам мен билан ўқинг:** «Худоё, Сендан ёмонлик келмас ва мендан яхшилик, Сен яхшисан ва мен ёмон. Ҳар кимнинг ўзига муносибдир қилиқ. Тикан иши санчилмоқ учун, унга оташ керак, баҳор файзи омма учун, унга гулдан суҳбатдош керак».

Олти аср масофадан бобом йўл кўрсатди. Уйин-қулги майдан маст мендай касга ёмон сўзи ҳам увол. Бобом айтган «яхши ва ёмон» кўзимни очди. Карантин бўлмасдан олдин ҳам ўтган куним, умрим рангсизлиги таъбимни хира қилди. Ўзимни қачон топаман? Ахир шунга буюрилганман-ку.

Кайфиятим тушкун бўлса, тарихдан ҳикмат излашга одатланганман. Ўзимга ёқпти. Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши даври журналистикаси бўйича нималарнидир кўздан кечириштириб, бир муаммага дуч келдим. Шу ҳақда гаплашамиз.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА КУТУЗОВ

«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1942 йилги сонлари. Архивдаги тахلامнинг бошида, яъни баҳор ойлариди сонларида «Рус юрти учун курашган улў жангчилар» рукнида материаллар берилган бошланган. Масалан, газетанинг 1942 йил 1 мартдаги 51-сонининг иккинчи саҳифасида профессор Милица Нечкинанинг «Михаил Кутузов» номи мақоласи берилган.

Газетадаги бундай рукн ва унда-



ги мақолалар билан шўро мафкура-си халқни фашизмга қарши курашга руҳлантирган. Бу табиий. Мени бошқа нарса ажаблантирди. Мафкуранинг халқлар, миллатлар дўстлиги деган ғояси қаёқда қолди? Саркарда Кутузов ҳақида материалга эътироз йўқ. Гап бошқа ёқда. Миллатимиз тарихи, улў саркараларимиз жасорати орқали халқнинг, жангчиларимизнинг руҳини кўтаришга чўчишганини ҳазм қилолмадим.

Умид билан газета варақлайман.



Миллатимиз буюкларини излайман. Афсус. Сарғайган саҳифалардан мана яна нима топдим: «Қизил Ўзбекистон»нинг 1942 йил 10 май, 109-сониди И. Макаров имзоси билан «Денис Давидов» номли мақола берилибди. Тарих бу қаҳрамон ҳақида нима дейди? Саволга елкам қисилди. Жавобини тарихдан сўрадим. Мўйсафид мозий ҳам елка қисгандек туюлди. Балким бу манзара тарозининг иккинчи палласига Жалолиддин, Амир Темур каби буюк боболаримни қўйганим учун кўзим олдида, тарих олдида хира тортгандир.

Газета тахلامини умид билан варақлашда давом этдим. Зора тарихга исмини куч билан эмас, адолат билан ёзган, қилич ва ханжари адолатга хизмат қилган саркарда боболарни топсам, деб. Мухораба майдонига энди зиёлилар чиқди. «Қизил Ўзбекистон»нинг 1942 йил 17 май сониди Глинка, 18 июнь сониди Горький, 28 июнь сониди Чайковский ҳақида мақолалар берилибди.

Умид сўнмади. Ниҳоят «Қизил Ўзбекистон»нинг 1944 йил 23 август сониди Василий Яннинг «Жалолиддин» асаридан парчани топдим. Асарнинг боши 13 ва 15 август сонларида берилган экан. Бу масалада тарих билан юзма-ю-

келишни истагандим. Бадиий асар дуч келди. Шуниси ҳам шукр.

Айтганча, газетанинг 1944 йил 20 февраль, 36-сониди ҳам нимадир топилди. Нашрнинг 2-бетиди муаллиф Расул Мухаммадиевнинг «Рус бўлмаган миллат жангчилари орасида агитация ишларимиз» сарлавҳали мақоласида шундай ёзилган: «Агитатор Мирза Султонов «Совет жангчиси» газетасида ўзбекларнинг афсонавий қаҳрамони Алломиш тўғрисида босилган



материалларни жангчиларга ўқиб берди». Ҳар ҳолда афсонавий қаҳрамон ҳеч кимнинг қитиқ-пати-га тегмайди. Кимларнингдир афсона-да, дейишига ҳам осон.

ФРОНТ ВА БУЮК САРКАРДА

Бу мақола мени фронт газеталари томон бошлади.

Излаганими топгандай бўлдим. «Душманга қарши олға» номи фронт газетасининг 1944 йил 29 мартдаги 25-сониди муаллиф Тўлқин Рустамовнинг «Жалолиддин халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишидан» номи мақоласи берилган экан. Материал ўзбек жангчиларига дэват сифатида ёзилган. Мўғуллар билан бўлган муҳим жанглардан, саркарданинг музаффариятидан сўзловчи воқеликлар келтирилади. Масалан, «Шонли баҳодир Жалолиддин ўзбек ватанпарварларининг мўғул босқинчиларга қарши курашига бошчилик қилди. У қўшин тўплади, уларга таълим берди ва қуроллантирди.

Биринчи шиддатли жангдаёқ Жалолиддин мўғулларнинг Тахучар бошлиқ армиясини тор-мор этди», дейди муаллиф.

Мақола якунида «боболаримизнинг шонли ишларини чин давом

этирувчилар бўлингиз. Фашист босқинчиларни кеча-кундуз раҳмсиз қирингиз!» деган сатрлар бор. Буюк саркарда бобомиз шу тариқа фронтга бориб қолган.

ЖИЛОВЛАНГАН ОТ

Буюк саркарда боболаримизни тан олишмаганими? Ёки миллий рух, миллий ғурур уйғонишидан кўрқиганими? Саволлар мени қийнади. Тарихчи олим Жумабой Раҳим Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги асарида шундай ёзади: «Халқлар дохийиси» Сталин 1941 йил 7 ноябрь куни соат 10 да фронтга жўнатилган дивизиялар олдида Кремль минбаридан туриб, нутқ ирод этади. Нутқ Москва остонасида турган фашист қўшинларини улоқтириб ташлашга қаратилиб, якунида эса ушбу оламшумул жангда ғолиб чиқишда «Қизил Армиямиз жангчиларини Александр Невский, Дмитрий Донской, Кутузов ва Суворовларнинг руҳи қўлласин» чақириғи билан тугатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқлар дохийиси дея тарғиб этилган Сталин 1941 йил кузида, дўппи тор келиб Москва немис қўшинлари томонидан шимол, ғарб ва жануб – уч тарафдан ўраб олинган чоғда тарихда энг ёвуз босқинчиларга қарши курашда жангчиларнинг руҳини кўтариш учун бемисл жасорат кўрсатган миллат қаҳрамонлари, саркардаларга бағишланган шеърларни қўшиққа солиб, уларни фронтларда номдор санъаткорларга қуйлашни топширади. Шунда рус шоирлари ҳеч иккиланмай Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонлигини энг муносиб номзод деб топишиб, машҳур бастакорлар Жалолиддинга бағишланган шеърини қўшиққа мослайдилар. Жалолиддин номи қўшиқ бўлиб Берлингача бўлган масофада, турли фронтларда жанг қилаётган жангчиларни жасоратга ва ғалабага қорлайди. Ғалабадан кейин қўшиқ «қатағон»га учрайди. Аслида қаҳрамонларимиз уруш даврида бошқа қўшиқни айтишга мажбур қилинган. Жасорат, мардлик, садоқатни қонда қайта уйғотмайдиган қўшиқларни. Қўшиқ ҳам деб бўлмайди. Лекин улардан мафкуранинг қиёфасини топиш мумкин.

Сарғайган газеталарни жойига қўйдим. Менга йўл кўрсатган китобларни ҳам. Саҳифаларидаги сўзлардан хафа эмасман. Қайсидир шоир сўзини отга ўхшатган. Гап уни жиловлаганларда. Отада эмас. Мен боболарим ҳақида бугун янграётган қўшиқ қонда ўлим талвасасидаги ҳужайраларни уйғотишини истадим. Майда-чуйдаларга ўралашиб қолганимизда бу қўшиқ ўзимизни топишимизга йўл кўрсатарди. Гафлат уйқуси, жаҳолат мастлиги ҳам тарқайди.

Алижон САФАРОВ

АҚЛ БИЛАН ИДРОК ЭТИНГ

“ Мен Италия, Испания, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Бельгия ва НАТОга аъзо бошқа баъзи давлатларнинг йирик шаҳарларидаги бугунги аянчли манзарани Афғонистон, Ироқ, Ливия ва Суриянинг Қобул, Қандаҳор, Ҳирот, Бағдод, Басра, Триполи, Бенғози, Мосул, Алеппо, Дамашқ, Киркук, Эрбилъ шаҳарларидаги мудҳиш манзарага ўхшатдим.

Ҳар иккала манзара ҳам даҳшатли. Телеэкранда кузатишнинг ўзи ҳаяжонингизни ошириб, раҳмдиллик ҳис-туйғуларингизни қўзғайди. Бироқ ёрдам беришга ожизсиз. Қалбам ҳамдардлик билдириб, Яратгандан сабр-қаноат тилайсиз.

Аммо бундай мудҳиш манзараларга сабаб бўлган ҳолатларни таҳлил қилмай иложингиз йўқ. Индамаслик – нобуд бўлган инсонлар руҳини ва Яратганининг иродасига хиёнат. Ўйламаслик, фикрламаслик, хулоса чиқармаслик, тавба қилмаслик – гуноҳ.

Ғожиаларнинг бири Осиёда, иккинчиси Европада юз берди. Уларнинг сабабларини далиллар билан исботлаймиз. Аввало, Осиёдаги мудҳиш манзараларни кўз олдингизга келтиринг. Аҳоли гавжум шаҳарларни замонавий ўқичилар бомбалапти, ракеталар ҳаммаёқни ер билан яқсон қиляпти, тириклар додлаб қочяпти, ярадорлар инграб йиқилияпти, чақалоқлар чирқиллаб жон таслим қиляпти, гўдаклар ўтақаси ёрилиб фиғон кўтаряпти, қариялар «Ла илаҳа илаллоҳ», деб охирага раво бўляпти. Шу аҳволда юздан ортиқ шаҳарлар ва мингдан ортиқ қишлоқлар жаҳаннамга айланганди, миллионлаб бегуноҳ одамлар ўлдирилди, ўн миллионлаб одамлар ватангадо қилинди, юз миллиондан ортиқ одамлар ўз юртида ит азобида яшай бошлашди. Уларнинг деярли ҳаммаси мусулмон. Хўш, улар қайси гуноҳлари учун шу аҳволга солинди?!

Садам Ҳусайннинг атом бомбаси бор. У кеча Қувайтга ҳужум қилган бўлса, эртага бизга ҳужум қилади. Шунинг учун уни гумдон қилиб, халқининг танобини тортиб қўймасак бўлмайди – замона зўрлари шундай қарорга келишди. Қарор қатъий – Европа Иттифоқи аъзоларининг ҳаммаси қўллаши шарт эмас.

Муаммар Каддафийнинг ўзи тугул, халқи ҳам бойиб кетяпти. Бу аҳволда у эрта-индин бизнинг айтганимизни қилмай қўяди. Бунинг устига Каддафий араб давлатларининг бошини қовуштириб, янги халқро ва валюта чиқариш ташвишида юрганмиш. Келажакда унинг мақсади – доллар билан евронинг нуфузини пасайтириш. Гадо бойиса, шундай нонкўрлик қилади. Каддафийнинг ажабтовур ҳарбий кучи бор, унда уни қандай қилиб йўқотамиз? Ўз ичидаги сотқинлардан фойдаланамиз. Бугунги дунё устунлари шундай қарорга келишди. Фақат сиёсий кўр одамгина Афғонистоннинг стратегик аҳамиятини тушунади. Балан тоғларга ўрнашиб олиб, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва Марказий Осиёни бемалол кузатиш мумкин. Бу дав-

ҚАЙТАР ДУНЁМИ ЁКИ?..

латни шу пайтгача нуқул коммунистларнинг қўғирчоқлари бошқарди, энди биз бошқарамиз. Нима, Россия ўзининг ҳарбий қуролларини Сурияда синовдан ўтказаятган пайтда биз Афғонистондан ана шу мақсадда фойдалана олмаимизми?!

Башар Асаднинг отаси коммунистларга ўлгунича хизмат қилди, энди етар. Агар ўзи бизнинг йўригимизга юрмаса, ундан шималар билан сунийлар ўртасида низо чиқариш учун фойдаланамиз. Ахир бир кун сателлитлик унинг жонига тегиши аниқ. Ёки ИШИДчилар тинка-мадорини куритишади.

Хуллас, куч бор жойда ақлга ҳожат борми, дейдиганлар ана шундай қарорга келишди. Бироқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши бу қарорларнинг бирортасини ҳам маъқулламади. Шунга қарамасдан ана шу давлатларга нисбатан уруш ҳаракатлари амалга оширилди. Кейинчалик Жорж Буш билан Тони Блэйр Ироқда атом бомбаси йўқлигини тан олишди. Бироқ инсоният тарихи бошланган ҳудуд – бутун бир давлат ва халқ вайрон бўлган эди. Муаммар Каддафий ўта халқларвар, доно раҳбар эди. Буни бутун дунё тан олган. Бироқ зўравонлар бу давлат халқини гадо ва қочқинга айланганди. АҚШ ва НАТО Афғонистоннинг қирқ йилдан бери урушдан бошқа ҳаётни кўрмаган халқига шу пайтгача кўп ваъдалар берди ва ҳамон ваъдалар бермоқда. Аммо бу ваъдалар халқда умид уйғотмапти. Сурияда эса ўз халқининг ишончига сазовор бўлган арбоблар давлатга раҳбарликини қўлга олмагунча тинчлик ўрнатилишига ишончи қийин.

Мен бир неча йил олдин халқро мавзуда ёзадиган бир гуруҳ журналистлар таркибида НАТОнинг Брюсселдаги Бош қароргоҳида ҳамда шаҳар ташқарисидидаги Халқро ҳарбий штабида бўлганимда биз билан учрашув ўтказган генераллар ва полковникларга НАТО БМТ Хавфсизлик кенгашининг рухсатисиз нега Афғонистон ва Ироққа бостириб кирганлиги ҳамда Балқондаги кризис пайтида серблар мусулмонларнинг гўдакларини қириб ташлаганида нега НАТО қўшинлари томошабин бўлиб турганлиги ҳақида саволлар берганимда, улар ўзаро пичирлашиб: «Биз сиёсий саволларга жавоб бермаймиз», дейишган эди. БМТ Хавфсизлик кенгашини назар-писанд қилмаслик, сиёсий саволларга жавоб бермаслик, давлатларнинг суверенитети ва халқларнинг миллий ҳақ-хуқуқлари

ҳамда диний эътиқодларини менсимаслик оқибатида ана шундай қонли урушлар келиб чиқди. Геосиёсий, моддий ва бошқа манфаатлар деб бегуноҳ одамлар, айниқса, чақалоқлар ва қариялар қонини тўкишни Аллоҳ кечирмайди. Яхудийлар ва насронийларнинг динларида ҳам шундай.

Бугун аксарият Европа давлатларида юз бераётган ғожиаларга ана шундай гуноҳлар сабабчи эмасмикан, деган хаёлга борасиз беихтиёр. Биз шу пайтгача бомба остида қолиб, сувга чўкиб, оч қолиб, совуқда қотиб, касалланиб, хўрланиб ўлаётган ироқликлар, ливияликлар, сурияликлар, мьянмаликлар, афғонистонликлар ҳақида қандай қайғурган бўлсак, бугун не-не азоблар билан жон таслим қилаётган италияликлар, испанлар, французлар, инглизлар, нидерландлар, немислар, руминлар ҳақида ҳам шундай қайғуряпмиз. Чунки ғожиали манзараларда ўхшашлик бор: кўчалар хувиллаб қолган, оғир беморлар қаровсиз ҳолатда, мурдалар кўплигидан саклайдиган жой йўқ, шифокорлар иложсиз аҳволда, одамларда тушкунлик, Европа Иттифоқига аъзо

лар эса бу борада ахлоқ-одоб тугул, оддий тартиб-интизом режимида амал қилишда ҳам чегарадан чиқиб кетишди. Оқибатда коронавируснинг кенг тарқалиши учун қўлай имконият яратилди. Европаликлар қатъий тартиб-интизомга амал қилишда япониялик, жанубий корейлик ва хитойлик фуқаролардан ибрат олишмади. Уруш бошлаб, бошқа юртларни вайрон қилишадими ёки бировларни ўз юртларидан ҳайдаб хўрлашадими, йўриғига юрмагани жазолаб, хумордан чиқиб кетишадими ёки бировларни динлардан айириб, ҳузур қилишадими, эркакни эркак ва аёлни аёл билан никоҳдан ўтказиб, кўнгилхушлик қилишадими ёки баданларини сотишадими, катта ёки кичик ҳожатга чиққанидан сўнг қўлларини ювмай овқат ейишадими ёки ит-мушук билан бирга овқатланиб, «маза» қилишадими, ишқилиб ғарбликларнинг эркинликлари чегара билмайди.

Хайрият, энди коронавирус тўғрисида қўлларини ювадиган бўлибди. Бугунги кунда уруш бошлаб, бировларни ватангадо қилганларнинг аҳоли қочқорларнинг аҳолидан ҳам

Ғарб дунёсида Бернард Шоунинг номи буюк инсонлар қаторида тилга олинади. У шундай деган: «Келажакда шифокорлар томонидан беморларга тавсия этиладиган «дорилар рўйхати» (рецепти) – мусулмонларнинг ўқийдиган намози ва тутадиган рўзаси бўлади». Бу «дорилар» ҳеч кимга зарар етказмайди. Аксинча инсонни эзгулик ва диёнат сари етаклайди. Эҳтимол, коронавирус бу «дорилар»ни йўқ қилмоқчи бўлаётганлар учун огоҳлантиришдир. Бундан нафақат Ғарб дунёсидагилар, балки мусулмон оламидаги мунофиқлар ҳам хулоса чиқаришлари зарур.

давлатларда яқдиллик йўқ (қочқинлар масаласида ҳам шундай эди), ташқи иқтисодий ёрдамдан дарак йўқ, Европадаги бу ғожиали муаммонинг аниқ ечимини йўқ (Афғонистон, Ироқ, Сурия ва Ливиядаги бугунги вазият ҳам худди шундай аҳволда), БМТ ва Европа Иттифоқи етакчилари қандай йўл тутишни билмай ҳайрон (худди Яқин Шарқда юз бераётган ғожиадек). Хуллас, бугунги кунда ўзларини дунёнинг устунлари деб ҳисоблайдиган зўрлар зўравонлар танг аҳволда.

Қадимда ўзларини жаҳоннинг устуниман, деган подшоҳлар кўп бўлган. Диний манбаларда фақат Намруд билан Фиръавн тилга олинади. Аслида ўзларини Аллоҳга тенглаштириб, ҳалокатга йўлиққанларнинг айримлари ҳақида ўқисангиз, кўз олдингизга ҳозирги зўравонларнинг қиёфаси келади.

Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, Мухаммад алайҳиссаломнинг, Мусо алайҳиссалом билан Исо алайҳиссаломнинг руҳиятлари бўладими, эътиқодда поклик зарур. Қандайдир манфаатлар деб пайғамбарлар ва уларга эътиқод қилувчиларни бир-бирларига қарши қўйишни Аллоҳ кечирмайди. Олий ҳакам – Яратганининг ўзи. Бировга қилган ёмонлигини ўзингизга қайтади, албатта.

Аслида укта илоҳий диннинг моҳияти бир. Аллоҳга етишиш учун турли йўллар билан ибодат қилар эканмиз, кўп ҳолларда чегарадан чиқиб билан ҳаддимиздан ошамиз. Яшириб нима қиламиз, Ғарб демократияси никоҳбанди сунъий стандартлар пайғамбарларнинг айтганларидан четга чиқиб олиб келди. Бу ҳолат айниқса, Европада кучайиб кетди. Мутлақ эркинлик билан яшашнинг оқибатлари, яъни инсонга хос бўлган ахлоқий қоидаларнинг чегарадан чиқиб кетилганлиги бор ҳақиқат. Бу иллат мусулмонларга, уларнинг ахлоқи тугул, оддий одобиға ҳам хавф сола бошлади. Европалик-

ёмон. Бировларнинг урф-одатлари ва диний эътиқодларини поймол қилганларнинг бугунги аҳоли ҳаётлари тўхтаб қолган даражада аянчли. Шу пайтгача иқтисодда ва ҳарбий куч-қудратда тенгсизлиги билан мактаниб, бошқаларни ўз йўриқлариға юритиб келаётганларнинг қиёфаси бугунги кунда ўлим тўшагида ётган одамдек муғли. Коронавирус, афтидан, шу пайтгача бомбалари борлиги билан дағдаға қилиб келганларнинг ҳам попуғини пасайтириб қўйган кўринади. Демак, бугунги дунёни уни яратган ўз Эгаси бошқаряпти. Шунисиға шукр, акс ҳолда тайёрга айёр зўравонлар Ерни биз яратдик, дейишдан ҳам тап тортишмайди.

Бу қайтар дунёми ёки бошқарсамиз – биз билмаймиз. Аммо ўтмишда жаҳонни, инсониятни, фиръавнчаларни огоҳлантирган бундай ҳолатни эслай олмаимиз. Қадимда вабо, ўлат ва бошқа офатлар фақат маълум бир ҳудудда юз берган. Коронавирус эса бутун жаҳонни эгаллади, Нуҳ ва Лут алайҳиссаломлар давридаги офатлар ҳам бу даражада бўлмаган. Демак, инсоният хулоса чиқариб, тавба қилиши зарур.

Ғарб дунёсида Бернард Шоунинг номи буюк инсонлар қаторида тилга олинади. У шундай деган: «Келажакда шифокорлар томонидан беморларга тавсия этиладиган «дорилар рўйхати» (рецепти) – мусулмонларнинг ўқийдиган намози ва тутадиган рўзаси бўлади». Бу «дорилар» ҳеч кимга зарар етказмайди. Аксинча инсонни эзгулик ва диёнат сари етаклайди. Эҳтимол, коронавирус бу «дорилар»ни йўқ қилмоқчи бўлаётганлар учун огоҳлантиришдир. Бундан нафақат Ғарб дунёсидагилар, балки мусулмон оламидаги мунофиқлар ҳам хулоса чиқаришлари зарур.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

“ Фаргона вилоятининг Сўх туманидаги Хушёр кишлоғидамиз. Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан якунланганига 75 йил бўляпти. Урушдан омон қайтган инсонларнинг саноқлиларигина кексалик гаштини сурмоқда. Уруш қаҳрамони Тешабой Одилов айна дамда уларнинг сафида йўқ. У 1997 йилда 79 ёшида оламдан ўтган. Тешабой Одиловни нафақат Хушёр кишлоғида, балки тумандаги кекса-ю ёш бирдек ҳурмат билан тилга олади. Урушдаги қаҳрамонлигини, ғалабадан сўнг тикланиш йилларидаги фидойилигини фахр билан сўзлаб беради.



«ШОНЛАР СЕНГА, АРСЛОН ТЕШАБОЙ!»



ҚАҲРАМОНЛИГИ ДОСТОНЛАРДА БИТИЛГАН СНАЙПЕРЧИ

Бизни, яъни кўтилмаган меҳмонларни Тешабой отанинг ўғли Одилжон ака биров ҳайрат ва ҳаяжон билан қарши олди. Тоғлар билан ўралган кишлоқ ҳавоси ўзгача. Баҳор ташрифи сабаб, табиат гўзаллигини кўз-кўз қилишга шай. Кўклар тоғларда кечроқ бўй кўрсатади. Шундай бўлса-да, ҳамма хонадонда баҳорги тайёргарлик иши авжида. Дарахтлар, тоқлар парвариши, ҳовли томорқасини резавор экинларга тайёрлаш, ариқларини тозалаш... Хуллас, Одилжон ака ҳамма ишларини қўйиб, бизни қаҳрамон отасининг уй-музейига бошлади. Суратлар, китоблар, газета ва журналлар, орден-медаллар... Барчасида Тешабой Одиловнинг ҳаёт йўли – қаҳрамонлиги, фидойилиги ҳамда унга кўрсатилган эҳтиром ва эътироф мужассам.

Улар орасидан уч – ўзбек, тожик ва рус тилида битилган «Снайперчи Одилов» номли китобни қўлга олдим. Ундаги уруш йилларининг таниқли журналисти, қалами ўткир ҳарбий ёзувчи Адҳам Раҳматнинг «Машҳур мерган» номли очерки эътиборини тортди. Ёзувчи уруш қаҳрамонлари ҳақидаги мақола, очерк ва бошқа асарларини жанггоҳларда ва урушдан кейинги йилларда улар билан юзма-юз кўришиб, суҳбатлашиб ёзган.

1939 йили ҳарбий хизматга қақирилган Тешабой ҳарбий хизмат мажбуриятини адо этиш баробарида мерганликни пухта ўзлаштиришга киришди. Қисмда ўтказилган мерганлар мусобақасида биринчиликни қўлга киритган ва «Аълочи мерган» нишонини олишга эришган. Унинг хизматдаги бу муваффақияти айнан уруш йилларида ўз натижасини берди. Адҳам Раҳмат қаҳрамонга бағишлаб ёзган асарига бунни кўйидагича таърифлайди:

«Моҳир мерганлиги Тешабойга урушда жуда қўл келди. У Ленинградни душман ҳамласидан сақлаб қолиш учун бўлган шиддатли жангларда ҳарбий маҳоратини такомиллаштирди ва жанг оловлари ичида тобланди. Фашист газандаларининг шаҳарни қўлга киритиш учун қутуриб қилган ҳужумини қайтаришда Тешабой Одилов ўттиз уч марта қарши атакада қатнашди, уч марта ярадор бўлса ҳам, жанг майдонидан кетмади...

Душман қўлдан кетган маррани эгаллаш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Мана шу жанг вақтида бўлилма командирни ҳалок бўлди. Вазиятнинг оғирлашганини сезган зийрак Тешабой командирликни ўз қўлига олди:

– Ўртоқлар, қадрдон командиримиз сафдан чиқди, аммо биз унинг тўқилган ҳар томчи қони учун душмандан шафқатсиз ўч олишимиз керак! – деб қичқирди.

Тешабойнинг қақиригидан руҳланган бўлилма жангчилари душман устига шердек ташланиб, янги маррани эгалладилар... Одилов бўлинимасининг жангчилари шундай шиддат билан ҳужумга ўтдиларки, фашистлар тўмтарақай бўлиб, орқадаги позицияларига беркиндилар. Улар иккинчи марта атакага кўтарилишга журъат эта олмади.

Уша куни кечқурун бўлилма жангчилари дарёдан кечиб ўтишга ҳозирланаётган бир пайтда қисм командири келиб:

– Бу жасур бўлимининг командири ким? – деб сўради. Тешабой бир қадам олдинга чиқиб:

– Мен, оддий жангчи Одилов! – деди.

Сочларига оқ тушган кекса полковник Тешабой Одиловни оталарча меҳр билан бағрига босди...

Кунлар, ойлар ўтиб борар, қўшинларимиз немис-фашист босқинчиларини Ленинградга киритмай қонга қон, жонга жон олиб курашдилар. Ана шундай кунларда бутун Ленинград fronti бўйлаб Фаргона водийсидан келган ўтторак мерган Тешабой Одилов номи достон бўлди. Унинг мерганлик дафтарчасига юзинчи фашистни ўлдиргани тўғрисида ёзиб қўйилди. Одилов мана шу жасорати ва маҳорати учун ўша давр ҳукуматининг олий нишонини – «Ленин» ордени билан мукофотланди...

Тешабой Одилов хизмат қилган қисмининг сиёсий раҳбари Л. Писарев унинг баҳодирлиги ҳақида мана бундай деб ёзган:

– Ленинград учун бўлган жангларда Тешабой Одиловнинг номи ва донги бутун мамлакатга ёйилди. Унинг ротасидаги жангчилар Тешабой Одилов ҳақида ёзилган газета хабарини ёки унинг расми солинган журнални кўриб қолсалар қирқиб олиб, уйларида муҳаррирлар ва «Бизнинг ротамизда мана шундай бир баҳодир бор», деб фахрлиниб ёзардилар...

Адҳам Раҳмат ушбу асарига атоқли адиб Ойбекнинг 1942 йилнинг охирида унга бағишлаб ёзган шеърини ҳам келтириб ўтган.

«Снайперчи Одилов» китобини варақлар эканман, қаҳрамон йигитга атаб ёзилган ўндан зиёд шоирлар – Мирзо Турсунзода, Александр Гитович, Ражабзода, Муҳаммадҷон Раҳимий, Собир Султон, Муҳиддин Аминзода... каби қалам аҳлининг ботир ўғлонга бағишланган шеърлари билан танишдим. Айниқса, Мирсаид Миршакарнинг «Тешабойнинг қасами» номли достони эътиборга моликдир.

Ойбек домланинг «Йигитнинг йигити» деб номланган китобидан жой олган айнан шу сарлавҳадаги каттагина шеъри эса Тешабой Одиловнинг мардлигини мадҳ этган:

...Ўзбек ўғли, ўзбек – Тешабой,
Фаргоналик ўткир қарчиғай.

У Ватаннинг ёш қаҳрамони,
Ўзбек халқи фарзанди, жони...
Ҳар кўнгилда унга муҳаббат,
Тарихларда у қолур абад...
Кўркув билмас полвон Тешабой,
Шонлар сенга, арслон Тешабой!

ЭЛИМ ДЕГАН ИНСОНДАН УЛУҒ НОМ ҚОЛАДИ

Иккинчи жаҳон урушининг илк кунларидан ғалабали онларига қадар жангчилар сафида бўлган Тешабой Одилов 1947 йилда кўкси тўла орден ва медаллар билан она юртига қайтди. Уни ҳамюртлари қаҳрамонларга хос эъзоз ва эҳтиром ила қарши олишди. Сўхнинг энг гўзал қизи Мўътабархон билан тўйлари бўлиб ўтди. Йиллар эл ардоғидаги оилани ўн бир фарзанд билан сийлади. Бу орада Тешабой ака муаллимлик йўналишида тахсил олди. Ўқитувчилик қилиш баробарида туман ободлигига улкан улуш қўшди, боғлар яратди.

– Дадамнинг урушда кўрсатган жасорати тилларда достон бўлгач, ўша даврда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари бўлган Усмон Юсупов Сўх тумани (уруш йилларида Сўх колхозга бўлган)га ва оиласига катта эътибор қаратади, – дейди Одилжон ака. – Отамнинг шарофати билан у фронтдан қайтгунга қадар давлат томонидан канал қазилиб, Сўхга сув олиб келинган. Ота-онасида янги уй-жой тиклаб берилган. Дадам урушдан 29 та орден ва медаль билан қайтган. У «Ленин» ордени учун бериладиган ҳар ойлик пулни ота-онасидан айрилган ленинградлик етим болалар жамғармасига ўтказган экан. Дадам ҳаётини ҳаммиша эл ободлигига бағишлади. Ўн бир фарзандни оёққа қўйишнинг ўзи бўлмади, албатта. Барчамизни ўқитди, касб-корли қилди. Заҳматқаш, халқпарварлиги сабаб, доимо эл ҳурматида бўлди. Биз фарзандлар ва юзга яқин набира, эвара ва чеваралар улар билан ҳаммиша фахрланади ва уларнинг изини босади, деб ишонаман.

Дарҳақиқат, яхши инсонлар ортидан яхши ном, яхши ишларга қодир авлод қолади. Тешабой Одиловнинг жанглардаги жасорати, урушдан кейинги фаолияти, фидойилиги ҳақида узоқ сўз юритиш мумкин. Албатта, бундай инсонлар ҳақидаги хотиралар ёрқин ва мангуликка дахлдордир.

Қалбга муҳрларан ўтганлар ёди,
Не эзгу амал бор кетмағай беиз.
Тарих гувоҳ эрур бунинг исботи
Мардлар сиймосига эл меҳри чексиз,
Хотира – муқаддас, хотира – азий!

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ!

“ Мен ёзувчи Шукур Холмирзаев асарларини севиб ўқийман. Адибни илк марта ўн беш ёшларимда «Оғир тош кўчса» китоби орқали таниганман. Албатта, китобдаги барча ҳикояларни бор қиммати билан англаб, тушуна олмаганман. Бироқ унга киритилган «Юр тоғларга кетамиз»ни бош кўтармай ўқиб чиқдим. Бу таниш олам эди, деярли менинг олашим эди. Унда ҳамма нарса ишонарли, оддий ва ўзига оҳанрабо каби тортиб турарди. Мен шу тариқа унинг ижодига асир бўлдим, меҳр қўйдим.

Зукко ўқувчимиз сарлавҳага эътибор бергандир. «Нега «Шинелли йиллар» ёки адиб Шуҳрат қолиб, суҳбат ўзани Шукур Холмирзаевга қараб кетди?» деган савол туғилиши табиий.

Азиз муштарий, мен сеvimли адибим Шукур Холмирзаевни (охиратлари обод бўлсин) фақат асарлари орқалигина танийман ва уни ҳар доим ҳақ гапни айтувчи оқкўнги инсон деб биламан. Бу, албатта, асарларига муҳаббатимдан бўлса керак.

Айрим ёзувчиларни ёзганларини ўқиб, ғойибона меҳр қўясиз, ҳурмат қиласиз, гард юктиргингиз келмайди. Айримларини ёзувчи эканлигини биласиз. Мен адиб Шуҳратни катта ёзувчи сифатида билардим. Айнан Шукур Холмирзаевнинг у ҳақда улкан меҳру муҳаббат билан ёзган хотираларини ўқиб, мен уни улғу ИНСОН сифатида танидим! Мен сеvimли адибимнинг ростгўйлигига, самимиятига ишонаман. Ва яна шуни биламанки, меҳрсиз ёзилган хотиралар ҳеч қачон ҳеч кимнинг ёдида қолмайди.

Адиб Шуҳрат Иккинчи жаҳон урушида қон кечиб, жанг қилган бармоқ билан санарли ижодкорларимиздан биридир. У офицер бўлиб жангга кирди... Ҳаётининг сўнгига қадар офицерлик шаънига гард теккизмаган шарафли инсон бўлиб қолди.

Ҳурматли ёзувчимизнинг ҳаёти силлиқ кечмаган. Уруш кўрган жангчини халқ душманига чиқариб қамаш, совет даврига хос эди. Бунинг устига сени бегоналар эмас, ён-атрофингдаги таниган-билган одамлар сотса. Аввал уруш, сўнг қамоқ даҳшатлари исзис кетмади. Аммо ҳар қанча машаққат, қийноқлар ҳам унинг инсоний фазилатларига дахл қила олмади. Дарё шоиримиз Усмон Азим ҳам унинг таъмасиз меҳридан баҳраманд бўлганлардан.

Адиб ҳақида унинг меҳрини қозонган шогирдлари, таникли адиблар, шоирлар юксак баҳоларини бериб бўлганлар. Биз улғулар сўзига қўшимча қила олмаймиз. Ижоди ҳақида сўз юритиш, таҳлил қилиш фикридан йироқмиз. Бу адабиётшунослар иши. Бизнинг вазифамиз китобхонликка тарғибот, холос.

Уруш ҳақида ёзилган асарлар бисёр. Вақт ўтиши билан уларнинг айримлари ўз қимматини йўқотди. Асл асарга ўхшайдиган, бироқ ҳароратсиз буюртма асарларнинг тақдири шундай яқун топди.

Шуҳратнинг «Шинелли йиллар» асарининг қиммати шундаки, у кўр-кўрона тўқилган эмас. Юқорида айтганимиздек, адиб Иккинчи жаҳон уруши жангларида иштирок этган, уруш фожиаларини ўз кўзи билан кўрган, гувоҳи бўлган.

Эътибор беринг-а, ўқиймиз: «Яқин-

АДИБ ШУХРАТНИНГ «ШИНЕЛЛИ ЙИЛЛАР» И



да ўнта патрон жойланадиган магазинли яримавтомат СВТ винтовкасини ўргандилар. Майда қисмлари кўп, затвори мураккаб бўлса ҳам, уларга оғирлик қилмади. Лекин эмаклаган вақтда қарғанинг кўзидай-кўзидай тешикли кожухига тупроқ кириб, тозалашда қийнаши ва затворининг ҳужум пайтида чанг кириб, автоматик йўсинда ишламай қолиши ҳаммаларининг ҳафсаласини пир қилди...»

Жангчигина қуролни ана шундай таърифлай олади.

Ўқиймиз: «Бомбардимон бошланди. Ер титрайди. Чанг, ер савалаётгандай бурқсайди. Гоҳ дарахт қарсиллаб синади. Биринчи самолёт қандай, қай шаклда

шўнғиса, қолган иккитаси ҳам унинг изидан боради. Зениткаларнинг жағи очилди. Уларнинг ўқи осмонда оппоқ тутун чиқариб, гоҳ самолёт ёнида, гоҳ бўш ҳавода ёрилади...»

Романда ана шундай ҳаққоний тасвирлар бор. Бош қаҳрамон Элмурод ҳам офицер. Қонли урушлар кечса-да, ҳаёт давом этаверади. Ҳаёт бор экан, муҳаббат бор. Романда севги, муҳаббат каби гўзал инсоний туйғулар маҳорат билан ёритилган.

Урушда бедарак кетганлар кўп эди. Инсон баъзан қай тариқа бедарак кетиши асарда шундай тасвирланади: «Аммо ҳеч ким уларнинг кимлигини аниқ айтолмади. Уларнинг қони, узук-юлуқ тани йиғиб қабрга қўйилди... Уларнинг қисмидан «фалончи дом-дараксиз йўқолди», деган хабарни олган кекса онаси ёки сеvimли хотини: «Адашиб бошқа қисмга ўтиб қолгандир, яраланиб кетганини биров кўрмаган бўлса, дарак чиқиб қолади», деб ўйлайди, йиллаб кутади. Кўрган тушларини кишиларга айтиб, таъбирини сўрайди, фол очтиради. Кўнглини эзиб келган шайтоний хаёлларни зўр билан ўзидан йироқлатади. Ҳар қайтган фронтчидан уни сўрайди, қорахатни кўрсатиб, ўқитиб боқади. Уруш ҳам тугар, ҳаёт ўз изига тушиб ҳам кетар, лекин муштипар она ёки сеvimли хотини ҳамон кутади. Гитлерга лаънатлар ўқиб, аллақачон чириб битган ўғлига ёки эрига умр тилайди. Аммо бирон киши: «Қўй, йиғлама, ортиқ кутма, уни ўз қўлим билан фалон ерга кўмганман», деёлмайди!..»

Ҳа, бу уруш фожиаси, урушдан кейин ҳам давом этган чўнг қайғунинг биргина кўринишидир.

Азиз газетхон, «Шинелли йиллар» – улкан роман. Унда Берлингача борган музаффар жангчининг ҳаётида юз берган воқеалар, қирғинбарот жанглар, қуршовлар, мардона аскарлар, муҳаббат ҳақида ўқийсиз. Асар ҳақида батафсил тўхталиш имконсиз. Уни ўқиш керак. Фашистлар билан мардона, шерларча жанг қилган ўзбек ўғлонлари ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлишни истасангиз, уларга бўлган ҳурматингизни қай тарздадир билдиргингиз келса, «Шинелли йиллар»ни ўқинг.

Ва апрель ойида таваллуд топган адибимиз Шуҳратни ҳам эҳтиром-ла дуоларда ёд этинг.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га ёзган мактубини ўз эгасига ким етказганини биласизми? Уни қиролга 1403 йилда Султония шаҳри архиепископи Жан (Иоанн) бир неча герцоглар ва бошқа аъёнлар ҳузурда топширади. Архиепископ қиролга Амир Темурнинг Боязид устидан галаба қозонганини ва унинг Карл VI ўртасида доимий дипломатик алоқалар ўрнатиш истаги борлигини билдиради. Шундан кейин Жан қирол Карл VI топшириғига биноан «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ни ёзади. Йигирма уч бобдан иборат бу асарда Соҳибқироннинг Мовароуннаҳр тахтига чиққан пайтидан то 1402 йил август ойигача бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар тилга олинади.

«Хотиралар»да ҳақиқатдан йироқ афсоналар ўрин олган бўлса-да, унда бир қанча тарихий маълумотлар ҳам учрайди.

Бу асарни заҳматкаш таржимон Баҳодир Эрматов француз тилидан ўзбек тилига ўтирган.

Қуйида ушбу асардан парчалар ўқийсиз.

Архиепископ ЖАН (ИОАНН)



АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ САРОЙИ

ТАХТГА ЧИҚИШИ

Бу ҳукмдорнинг қўли дастлаб ўнчалик узун бўлмаган ва уни кўпчилик танимаган, унинг қўл остида ўзининг оиласига ўхшаш оилалардан чиққан атиги ўн чоғли маслакдоши бўлган. Бироқ у ёшлиғиданоқ ўз ақл-заковати, удабуронлиги ила бойлик орттира борди, истеҳком ва амлоқларни эгаллаб, маслакдошлари сонини ниҳоятда кўпайтирди ва кундан-кунга кучайиб борди.

УНВОНИ ХУСУСИДА

«Темур Геракан сосмус» («Темур Кўрагон сўзимиз») ибораси Темур «императорнинг ўғли» ёки «куёви» деган маънони билдиради ва «сосмус» – «бизнинг қатъий сўзимиз» деганидир. У ўзини на қирол, на император ва на бошқа ном билан атайди; қачон сўзласа ва амр этса, император номидан сўзлайди ва амр этади, унга ҳурмат кўрсатиб, йилига бир марта уни бориб кўради; бу ҳурматдан сўнг у ўша император ҳақида гапириб, унга ўз саройида иззат кўрсатаётганини айтади. Бироқ Темурбей барча ишни императорнинг муҳрисиз амалга оширади.

ЎФИЛЛАРИНИНГ НАСЛ-НАСАБИ
ВА ИСМЛАРИ ХУСУСИДА

Темурбейнинг кўп ўғиллари бўлган ва ҳозир улардан атиги иккитаси ҳаёт, уларнинг каттасини Миранза (Мироншоҳ) деб аташади ва унинг ёши қирқ ёки ундан биров катта; энг кичиги Сонхарни (Шохрух) деб аталади ва унинг ёши йигирма икки атрофида. Биринчисининг исми қуйидагича талқин қилинади: «мир» – «жаноб» ва «за» – «қирол», яъни «жаноби қирол». Иккинчисининг исми француз тилида «қиролнинг юзи» маъносига. Тўнғич ўғил барваста, хушмуомала, ҳурфикр ва отасининг саройида ҳамма уни ҳурмат қилади. У насронийлар ва франкларни, яъни барча лотинларни (овруполикларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр (македониялик Александр).

Унинг тўрт хотини ва тўрт ўғли бор: хотинларининг энг суюқлиси император авлодидан ва Конзада

(Хонзода) деб аталади. Ўғилларининг лашкарлари катта, яъни 20-30 минг кишидан иборат ва саройлари ҳам катта. Айниқса, Абасимеза (Мирзо Абубакр) исми тўнғич ўғлининг лашкари жуда катта; бу исм «Худонинг марҳамати ила туғилган», деб талқин қилинади. Бу ўғил қурол ишлатишга жуда моҳир. Тўрт ўғилдан яна бирининг исми Омариза (Умар Мирзо) бўлиб, у Темурбейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, қўл остида катта ўлка бор.

ХУКМРОНЛИГИНИНГ
БОШЛАНИШИ

Ёшлиғида у ҳам ўз тенгқурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақл-заковати, зукколиги билан ажралиб турарди ва доимо мард йигитлар қуршовида юрарди. У доимо худони олқишлаб юради ва нима қилса барини худо учун, унинг хоҳиши билан қилади; ўзининг айтишича, у нимага эришган бўлса, худонинг марҳамати ила эришган, вақти келиб буларнинг ҳаммасини худого қайтаради. Яна унинг айтишича, барча рўй берадиган нарсани худо унга олдиндан башорат қилади.


Ҳозир у жуда катта ва қудратли ҳукмдор. Зеро, шу пайтгача Шарқда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган ҳам, учратган ҳам эмас. Айниқса, у Семеркент шаҳрини ва Трансоксания империясини қўлга киритганидан кейин шундай қудратга эга бўлди. Зотан, у (империя) Шарққа томон шунча катта маконни эгаллагани, унинг бир сарҳадидан иккинчисига етиш учун тинмай ярим йил йўл босиб керак. Темурбей қўл остидаги Ҳиндистондан Туркиягача бўлган худудни бир одам пиёда нақ бир йилда, отда эса тўққиз ойда босиб ўтади.

БУЮКЛИГИ ВА ЛАШКАРАРИНИНГ
СОНИ ХУСУСИДА

Бу хусусда ҳар хил гаплар юради, бироқ унинг лашкарлари сони қанчалигини ҳеч ким аниқ билмайди: айримларнинг айтишича, унинг қўшини ўн юз минг (миллион) аскардан ва камида саккиз юз минг отдан иборат; туялар ва бошқа жониворларнинг асло ҳисоби йўқ. Унинг яна қирқ жанговар фили бор, аскарлар уларнинг устида ўтириб, жанг қиладилар; қуролланган суворий шахзодалар ва мард навкарлар у билан бирга юрадилар; улар энгил қуролланган ва ортиқча аслаҳалари йўқ, шамширлари ва камонларига ишонадилар ва хусусан, унга ўттиз олти йилдан бери ҳамроҳлик қилиб келаётган одамлари шаҳарларга кирмайдилар, очик далада тунайдилар.

БОЙЛИКЛАРИ
ХУСУСИДА

Бойликларининг сон-саногии ва миқдорини ҳеч ким билмайди... Қимматбаҳо нарсаларга келганда, айтишадики, – мен бунга ишонаман, – бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюк ва қудратли бўлмасин, у қадар кўп бойлик тўплай олмаган. Яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ер ости бойликларини ҳам қидириб топтириб, уларга эга бўлди; айтишларича, ўтган йили (1401 йил) у оғирлиги ўз ўн етти сз (сз – тахминан бир миқдор) келадиган бир жавоҳир топанки, олти сз бир унцияга тенгдир.



Сўнгра Бағдод шаҳри олингач, у Евфрат (Фрот) дарёсига фарқ бўлган бир кемани топди, кемага Персия қиролларининг барча бойликлари ортинган эди. Хазинадан соф ва нафис олтин дарахт чикди, унда турфа рангли ва турфа хил қимматбаҳо тошлар, сон-саноксиз марваридлар бўлиб, бунчалик катта аҳамиятга ва қимматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким кўрган эмасди. Темурбей бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркентга жўнатди, у ерда унинг ўн саккизта улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўлаки, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмайди.

ОЧИҚКЎНГИЛЛИГИ ВА
ШАФҚАТСИЗЛИГИ ХУСУСИДА

У шароб ичганида меҳрибон ва очиккўнғил бўлиб қолади; бироқ бундай ҳолат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади. Алқисса, у ғазаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатнинг шиори учун ўз тамғасига форс тилида «адолат» сўзини икки марта («Рости – русти») ёздирган. У ўз дўстлари ва элчиларга, айниқса, узоқ ўлкалардан келган элчиларга етарлича очиккўнғиллик қилади; бошқаларга нисбатан, яъни ўзига қарши бирор иш қилган ёки амрига қарши борганларга нисбатан у ўта шафқатсиз; уни айбдорларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-имони қизиқтиради.





ҲАЁТИ ВА УНИНГ ХААҚИ ХУСУСИДА

Темурбейнинг турмуш тарзи ва халқи ҳақида шундай дейиш мумкин: у ҳар доим очик далада ҳарир шоҳи чодир остида умр ўтказди. Унинг халқи шунчалик кўпки, уларнинг барчаси шаҳарда яшай олмайди. Бироқ уларга зарур барча нарсалар худди шаҳарлардагидек бу ерга олиб келинади, сотилади ва харид қилинади; бу ерга узок ўлкалардан озик-овқат маҳсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўп, бу ерда паррандалар, бошқа турфа хил маҳсулотлар ва ҳатто қуллар ҳам сотилади. Темурбейнинг одамлари жуда қимматбахо нафис шоҳи матолар ва ҳарир жун матолардан кийим киядилар. Улуғлари эса Константинопол императори каби бош кийими киядилар, мартабалари қанчалар баланд бўлса-да, бош кийимларига қимматбахо тошлар қадамайдилар ва айримлари туркларга ўхшаб думалок кокилез киядилар.

Темурбейнинг фуқаролари саранжом-саришта одамлар. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлақо нон ейишмайди, улар нонни ёқтиришмайди, бироқ ажнабийлар тўйгунарчи нон ейишлари мумкин, зеро, ҳар қадамда нон мўл.

Унинг саройида шароб ичиш тақиқланган, насронийлар эса ичишлари мумкин, у ҳам бўлса, фақат кечки овқат олди. Овқатдан сўнг сув ва кимиз ичилади, бир кимизи, шаробдан кам қайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошқа бир ичимлиги бўлиб, унинг (бўзанинг) ранги сутдек оппоқ ва шаробдек кайф беради.

Унинг саройида номуссиз аёлларнинг яшashi тақиқланган, ҳар кимнинг ўз хотини ва мол-мулки бор. Аёллар эраклар каби моҳир чавандозлар, улар яхши кийиниб оладилар, отда юрганларида фақат бурунлари ва кўзлари очик бўлади. Одамларнинг юзлари кенг ва осиеликларга хос, ҳамма қатори яшашди ва улар сарақинлар (муслмон сунналар) мазҳабидандирлар.

Темурбей зияфатларда тилла, кумуш идишларда овқат ейди ва ўз олдидидаги гўштини вассаллари, шаҳзодалар, зодагонлар, элчилар билан баҳам кўради; ҳамма ерда ўтириб овқатланади. Агар ўзи чақирмаса, унинг ёнига боришга ҳеч ким журъат эта олмайди. Унинг ўғиллари ва беклари ҳам рухсатсиз унинг ёнига бориб ўтирмайдилар.

Шуни унутмаслик керакки, улар насронийларга ҳам, муслмонларга ҳам бирдек муносабатда бўладилар.

МУҲОРАБА ҲАҚИДАГИ ФАРМОНЛАРИ ХУСУСИДА

У фармон бериши у ёқда турсин, имо қилиши биланоқ ҳар ким нима қилиш зарурлигини яхши билади. У ўз қўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган; унинг амрига итоат этмаганларнинг боши кетади.

У қўшинда қатъий тартиб ўрнатган: кимда-ким жангда олд томонидан жароҳатланса, унга катта эҳтиром кўрсатилади; жангда орқасидан жароҳатланган кимса жазоланади. У жасур ва мардларни кўп иззатлайди, уларга катта тўхфалар қилади.

У ўзидан кучли ғанимларга қарши жангга кириш олдидан лашкарларини шу қадр пухта жойлаштирадими, ҳеч нарса назаридан четда қолмайди; сўнг у ғаними ўз ҳушёрлигини бой беришини пойлайди ва шу заҳотиёқ унинг устига қутилмаганда зарба бериб, истеҳкомларини вайрон қилади. У қисқа муддатда узок йўлни босиб ўта олади, пухта изланишлар ва доно фармонлар ила ўз лашкарларини катта талафотлардан сақлайди. Мухтасар қилиб айтганда, у шу пайтгача барча муҳорабаларда зафар қучган, ҳеч ким унга қаршилик кўрсата олмаган.

Темурбей Туркия ва Арманистон ўртасида жойлашган Туркка (Йилдирим Боязид) қарашли катта шаҳар Сабастр (Сивос)га борганида ҳам худди шундай бўлган. У мазкур шаҳар қаршидада ўн бир кун турди, шундан беш кун ичида қалъа деворлари ёнида шундай бир минора қўрдирдики, ундан бутун шаҳар яққол кўриниб турарди. У қон тўкмасликка сўз берганидан кейин шаҳарликлар таслим бўлдилар...

Ундан сўнг Темурбей жуда катта дарё бўлган Евфрат (Фрот) дарёси бўйига борди; у ерда беш кун ичида зарур кема ва қайқлар ясаптириб, икки ярим кун ичида бир ярим миллион кишидан ўтказди. Дарёдан ўтиб, у баланд тоғ устида жойлашган Ҳалаб шаҳри деворлари ёнига етиб борди ва шаҳар ичка-рисидида султоннинг кучли қўшини жойлашганидан хабар тоғга, қалъани қаттиқ қурасиз қўлга кирити олмаслигига кўзи етди. Шу алфозда Темурбей уч кун шаҳар қаршида туриб қолди ва тўртинчи кун лашкарининг катта бир қисмини олиб, Ҳалабдан икки лйе (чақирим) узокликдаги баланд тоғ ортига



ўтди ва ўғлини 30 минг аскар билан шаҳар қаршида қолдириб, агар султон кучлари унга ҳужум қилса, бироз жанг қилиб, сўнгра чекинишни буюрди. Ўғли ҳам уч кун давомида отаси айтганича иш тутди: султон қўшинлари унга қарши жанг бошласа, у бироз қурашган бўлар ва чекинарди; тўртинчи кун ичра катта жанг бўлди ва ўғил одатдагидан узокроққа чекинди, султон лашкарлари уни шунчалик узокқа қувлаб бордиларки, тоғнинг ортида беркиниб турган Темурбей фурсатдан фойдаланиб, ғаним қўшини билан шаҳар деворлар ўртасидаги жойни эгаллади ва султоннинг ўн тўрт минг аскарини ўлдирди, сўнг шаҳарни эгаллади.

САЛТАНАТИ ВА ШАҲАРЛАРИДАГИ ТАРТИБ-ҚОЙДАЛАР ХУСУСИДА

У ўз фуқароларига бир қанча солиқ ва тўловлар жорий этган бўлса-да, ажнабий тужжорларга катта эътибор кўрсатади ва уларни, айниқса, фаранглар ва насораларни рағбатлантиради, салтанати худудида уларнинг хавфсизликларини таъминлайди. У кўп масканларда олинадиган жон ва туз солиқларини бекор қилди ва бу солиқлар фақат йирик шаҳарларда олдинсин, деб фармон берди. У салтанатининг барча худудларида тужжорлар ҳаётига хавф соладиғанларга шафқатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) таланган мол қимматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қимматининг беш баробари миқдориде жарима тўлайди.

Барча аҳоли масканларида унинг масъул кишилари бор ва у адолатга қатъий риоя этади ҳамда жиноят қилган ҳар қандай кимсага, кимлигидан қатъи назар, шафқат қилмайди. Кичик бир жинояти учун катта-ю кичик амалдорларга шу заҳотиёқ жазо тайинлайди. Жазо асосан жарима шаклида бўлади. Айбдорлар катта миқдорда жарима тўлайдилар. Унинг амалдорлари жуда бой ва тўқ яшайдилар, шу боисдан улардан катта пул ундирилади. Бу пуллар нақ юз хачирга юк бўлади ва улар ҳар йили катта байрам учун сарфланади. Барча шаҳарлар ва ўлкалар ҳар йили даромадларининг ўндан бири ёки чорагини салтанат хазинасига топширадилар. Бу иш билан унинг фазначилари ва нозирлари шўғулланади.

Темурбейнинг ўзи шахсан ҳеч кимга озор бермайди ва у шундай қилган одамларни қаттиқ жазолайди.

ДУШМАНЛАРИ БЎЛМИШ АЙРИМ ҚУДРАТЛИ ИМПЕРАТОРЛАР ХУСУСИДА

Темурбейнинг асосий рақиблири Шарқдадир. Бу энг аввало Катай (Хитой)нинг буюк императоридир. У камарли насронийлар мазҳабидан бўлиб, куч-қудратда Темурбейга тенг ёхуд ундан зиёдроқ. Унинг иккинчи рақиби Форс императори (Султон Аҳмад Жалоирий) бўлиб, у бундан ўн беш йил илгари Темурбейдан зўра қочиб қутулган. Ҳозир Бадаш ва Калдея (Ироқи Араб)нинг қолган қисмларига ҳукмронлик қилади. Унинг яна бир рақиби – Миср султони. Мўғулистонлик Эдигни эса, унинг асосий душманидир. Зикр этилганлардан кейинги учтаси сарақинлар мазҳабидан. Темурбейнинг яна бошқа душманлари ҳам бор. Улар ундан кўрқадилар ва унинг ўлимини кутадилар. Улар ўзларича башорат қилишиб, Темурбей Қоҳирада мағлубиятга учрайди ва ҳалок бўлади, деб ўйлашмоқда. Темурбей, аксинча, бунга ишонмайди ва ҳали яна узок умр кўраман, дейди.

ҲУЗУРИДАГИ ШОҲ ВА ШАҲЗОДАЛАР ХУСУСИДА

Энг аввало, Мўғулистон императори у билан бирга. У кўнгли нимани хоҳласа, шуни қилади. Ма-ластан қирол, Коросан қирол, кўп мамлакатлар ва ўлкаларнинг ҳукмдорлари, шаҳзодалари ҳамда бир қанча кичик ҳукмдорлар унинг ҳузуридалар. Шох

Алдин ҳам унинг ёнида, бироқ ундан қочиб юради. Форс императорининг икки ўғли ҳам унинг ёнида (шоҳ Шужоънинг Шибли ва Зайн ал-Обидин исми ўғиллари). Гургония императорининг укаси шоҳ Боқаран (Бахром) ҳам унинг ҳузурида. Темурбей забт этган барча вилоятлар-ў ўлкалар ҳокимларининг тўнғич ўғиллари ва ўлка ноиблари ҳам у билан бирга. Илм-фан, хусусан, астрология, медицина ва нигромания (қорамагия)нинг энг кучли олимлари ҳам унинг ҳузурида. У илми ва яхши оиладан чиққан инсонларни кўп эъзозлайди. Темурбей улар билан савол-жавоб қилишни хуш кўради. У зикр этилган инсонларнинг барчаси билан яхши муносабатда бўлади ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Узок ўлкалардан келган элчиларга ҳам худди шундай муносабатда бўлади. Шунга қарамай, улар ўзларини эмин-эркин ҳис эта олишмайди. Унинг ёнида бой-бадавлат юришдан кўра, ундан узокроқ туриб, қашшоқликда яшашни ихтиёр этувчи шохлар ва шаҳзодалар ҳам учраб туради. Буюк Турк ҳам унинг ёнида, унга катта ҳурмат-иззат кўрсатилмоқда.

ИМОН-ЭЪТИҚОДИ ХУСУСИДА

Темурбей ўз эътиқоди бўйича сарақин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди, ҳам қийнайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва хуш кўрмасди. Мана энди, Султония архиепископи биродар Жанни ва доминкан мазҳаблик биродар Франсуани кўрганидан – бизнинг эътиқодимизга ишонч ҳосил қилганидан кейин у ўзининг хатосини англаб, қаттиқ таъсирланди. У насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, хусусан, лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди. Уларга ўз салтанатда эмин-эркин юришлари учун йўл берган. Айниқса, савдогарларга ўз эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб, ҳамма насронийлар бажарадиган амалларни бажаришлари учун барча шароитларни яратган.

У ўз дини талабларидан келиб чиқиб, кунига беш мартаба худого муножот қилади ва қаерда бўлишидан қатъи назар, сарақинлар учун лозим бўлган барча амалларни бажаради.

ЁШИ ВА СОҒЛИГИ ХУСУСИДА

Унинг ёши олтмиш-олтмиш беш атрофида ва у ўттиз йилдан бери ҳукмдорлик қилиб келмоқда. Утган давр мобайнида у шунчалик ғаройиб ишларни рўёбга чиқарганки, уларни ёзиб адо этиб бўлмайди. У ўрта бўйли, чехраси мўғулна, испанча соқолига оқ оралаган ва қомати тик инсон. Бироқ унинг ўнг қўли ва ўнг оёғи мажруҳ бўлиб, уларни даволаш мумкин эмас, зотан, томирлари кесилган. У ёшлигида лашкарларини ўзи жангга бошлаб қирарди. Моҳир чавандоз эди, аммо энди, баъзан, икки отга ўрнатилган ўриндикда сафар қилади ва шундай кўрикланадики, ўзи чақиртирган одамдан бўлак ҳеч ким унга яқинлашишга журъат эта олмайди. Темурбейнинг амри шу эрур.

ЁҚТИРАДИГАН НАРСАЛАРИ ХУСУСИДА

Энг аввало, унга қўйидаги нарсалар ёқади: бугдойранг, қирмизи ва алвон, оқ ва оч яшил, худди Ренс (Франциядаги шаҳар)да тайёрланадигандек нафис тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва кумуш идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар билан безатилган идишлар, тоза Кипр камлоти (пишиқ жун газламаси), ғаройиб балиқ тишлари, Франциядаги каби қурсилар, Франциядагидек қимматбахо гиламан, хушбўй ва мазали зираворлар, дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган зотли бақувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби катта хачирлар. Бироқ ундаги бу нарсаларнинг санаб санамоғига етиб бўлмайди.

Интернет материаллари асосида Фурқат ЭРҒАШЕВ тайёрлади.

КАҲРАМОНЛИК

(Охири. Боши ўтган сонларда)

– Борисовни чақир, – буюрди навбатчи аскарга комбат, – йигитларнинг қорини тўйгазсин!

Борисов каттакон патнисда кесилган нон, парраланган колбаса, битта балиқ ва битта гўшт консервасини келтириб столга қўйди.

– У-хў, Володя, маишатиңг чакки эмас...

– Қани, дастурхонга марҳамат. Тортинмай олавер. Бунинг тағи мўл, – ёйилиб илжайди Тулаев, – анависидан керак бўлса у ҳам топилади.

– Фронт чизғини кесиб ўтганимизга бир ҳафтадан ошди. Беш киши эдик, иккитамиз фашистнинг ўқига учди. Қор устида эмаклар, қарағай шохлари устида бир соат-ярим соатдан мизғиб юрдик. Агар ароқми, спиритми бўлса, бир қултумдан ичсак, зарар қилмасди.

Комбат Борисовга ишора қилди. Ошпаз бир зумда шишани очиб, стаканларга яримлатиб коньяк қўйди. Башкатов шишани қўлига олиб, ёрлигини диққат билан ҳижжалашга тушди.

– На-по-ле-он. Қойил! – у бир кўтаришда стаканни қоқлади. – Иккинчи қадахни ўзимиз томонга ўтиб олганимиздан кейин ичамиз.

– Энди ишдан гаплашсак, – деди комбат, Борисов бўшаган идишларни олиб чиқиб кетиши билан, – қоқ ярим тунда кўприкни штурм қилишга қарор қилдик. Чорак соатдан кейин йўлга тушамиз. Машина ва мотоциклимиз бор. Улар чораккам ўн иккида қўзғалишади. Биз бу ерда учрашамиз, – Тулаев харитадан ўша нуқтани Башкатовга кўрсатди. – Сен ҳам биз билан борасанми?

– Аслида биз уч кун аввал ортга қайтишимиз керак эди. Фашистлар сезиб қолиб, таъқиб қила бошлашди. Радистимиз ҳалок бўлди, – Башкатов планшетидан ўз харитасини олиб, стол устига ёзди. – Сен айтган нуқтада, Володя, фашистлар қулай ўрнашиб олишган. Кечувни ва кўприкни ўққа тутишга мўлжаллаб, дзотлар қуришган. Кўприкка ўнг томондан, соҳил ва ўрмон оралигидан ўтиб борган маъқулдир, балки?

Улар харитага тикилиб қолишди.

– Ҳа, тўғри айтасан, Боря. Дзотларнинг ортдан билинтирмай ўтиб кетсак, марра бизники.

– Бу ерда, тошйўлдан уч километр чапда фашистларнинг ўқ-дори омбори бор, – харитадан ўша жойни кўрсатди разведкачи капитан. – Менга мотоциклингни ва чапдастроқ йигитларингдан бир-иккитасини берсанг, омборга сохта ҳужум уюштириб, дзотларнинг эйтиборини шу томонга қаратаман. Чалғитиб турганимдан фойдаланиб, сизлар кўприкка чиқиб оласизлар. Мен эса бир-икки гумбирлатаман-у, мотоциклини елдириб, белгиланган вақтда кўприкка етиб келаман. Маъқулми?

– Маъқул.

– Мишулин ярадор, – Башкатов боши бинт билан тангилан миқти разведкачига ишора қилди, – у ярадорларнинг орасида, машинада бўлгани тузук. Менга бугун фашист машинасига ҳужум қилган йигитларингдан иккитасини берсанг етарли.

– Сен ҳужум қилишганини кўрдингми?

– Ўз кўзларим билан. Биз йўлнинг нариги тарафида эдик. Мотоцикл кузатувида юкмашинаси ўтаётганди. Бирдан яшин чақнагандек тўрт йигит пайдо бўлди. Атрофни «Пақ-пуқ» товушлари эгаллади, эсимизни йиғиб, нима бўлганини англаб етганимизча, машина билан мотоцикл бурилиб, ўрмонга кириб кетди. Қолган иккитаси эса – мурдаларни судраб, ўрмонда ғойиб бўлишди. Ўша йигитларни кўрсан бўладими?

– Лейтенант Муродовни чақир, бўлинмаси билан етиб келсин! – навбатчига буюрди Тулаев.

Фашист аскарлари формасида бирин-кетин Маҳмуд, Коте, Толик, барваста, гавдасига биронтаси ҳам мос келмаган Андрей ўз кийимида кириб келишди.

– Лейтенант Муродов, оддий аскар Тазов, – кийимига, елкасидаги погонларига қараб қулимсиради Тулаев. Чунки лейтенант деб мурожаат қилинган Маҳмуд оддий аскар, унинг қўл остидаги Толя Тазов эса вермахт фельдфебели кийимида эдилар. – Сизлар капитан Башкатов ийтиёрига ўтасизлар. Нима қилишни капитаннинг ўзи тушунтиради.

– Уртоқ комбат, бу лахтакларни улоқтирсан бўладими? – Маҳмуд эғнидаги немис кийимига жирканиб назар ташлади.

– Нега энди лейтенант, сенга жуда ярашибди, – самимий ҳахлолади капитан Башкатов, – хафа бўлма, ҳазиллашдим. Бу форма фашистларни чалғитиб, яқинроқ боришимизга имкон яратади. Тулаев соатиға қаради.

– Вақт бўлди, ўртоқлар! Грач, Башкатовнинг шовқин-сурони бошланishi билан кўприк томонга ўқдек учасан. Тўполоннинг каттасини кўприкда

қиламиз. Биз кетдик.

Тулаев жангга тайёр эллик аскарни бошлаганча ўрмон оралаб юриб кетди. Қоронги ўрмонда уларни кўриб бўлмас, фақат оёқ остида ғарчиллаган қор ва синган шох-шаббанинг қисирлаган овозигина эшитилиб турарди...

...Капитан Башкатов уларни мотоцикл ёнига бошлаб борди. Кажава ўриндиғининг суянчигини суғуриб олиб ташлади. Разведкачи билан Толя Тазовни кажавага бир-бирига суянтириб қарама-қарши ўтқизди.

– Лейтенант, сен орқада ўтирасан, борганимизча мотоциклни мен ҳайдайман. Қайтаётганимизда рулни сенга бераман.

Мотоцикл фарасининг ўткир нурлари қоронги

ЁРИБ ЎТИШ

(Ҳикоя)

ёхуд бир ўзбек жангчисининг бошидан кечирганлари



ўрмоннинг бағрини тилиб, фақатгина Башкатов биладиган қандайдир белгилар асосида ўзига йўл топиб борарди. Бирдан оппоқ қор билан қопланган чоғроқ ўрмон яланглигига чиқиб қолишди. Фара ялангликни қоқ ўртасида тарвақайлаб ўсган улкан қора қарағайни ёритди. Башкатов мотоциклини дарахт ёнида тўхтатиб, моторни ўчирди.

– Боря, қани буёққа кел, – капитан разведкачини ёнига қақираркан, ўзи дарахт ёнидаги уюб қўйилган шох-шаббани олиб қўя бошлади, – лейтенант ёритиб турсанг-чи!

Маҳмуд рулни буриб фарани улар куймалашаётган томонга қаратди. Бироздан сўнг шох-шаббалар орасидан иккита кутини тортиб олишди.

– Бунда фаустпатрон ва пулемётлар бор. Боря фаустпатронни ишлатишни билади. Лейтенант, сен пулемётни ол. Сизлар жанубдан, биз фельдфебель билан ғарбдан урамиз. Арининг уясини бир қўзғатиб қўйялик. Бешта гранатани иргитиб бўлгандан кейин, пулемёт панасида орта чекинасиэлар. Биз ҳам шундай қиламиз. Шу ерда учрашиб, келган йўлимиз билан ортага қайтиб кетамиз. Бўлмаса бошладик. Оманимизни берсин.

Капитан булардан олдинроқ маррага етиб олган кўринадди, Боря фаустпатронга биринчи граната ўрнатаётган пайтда ёғочдан қурилган уйнинг ғарбий деворига снаряднинг қарсиллаб урилиб портлагани эшитилди. Шу заҳоти Боря уйга жануб томондан бирин-кетин иккита граната юнатибди. Омборда қий-чув, тўполон бошланди. Ит ақиллагандек қисқа команда товушлари эшитилди. Қаердадир автомат тариллади. Танк мотори гуриллаб ўт олди. Шунда капитан яна иккита граната олди. Омбор энди буткул ўт ичида қолганди. Унинг алангаси ёруғида иккита танк, битта юк машинаси ва мотоцикл кўринди. Уларнинг ёнида фашист солдатлари уймаланишар, фуражкисига жез бургут ўрнатилган офицер қўлларини силкитганча нималарнидир бақириб, буйроқ берарди.

– Боря, сен танкларни мўлжалга ол! – деди Маҳмуд ва пулемёт нилини машина ёнидаги немисларга қаратиб тепкени босди. Шу пайт ғарбдан аниқ кўзга ташланиб турган усти ёпиқ юк машинаси гумбирлаб портлади. Капитан ва Боря бир пайтнинг ўзида занжирини шарақлатиб юра бошлаган биринчи танкни нишонга олишган шекилли, бирданига урилган икки зарбдан минораси осмонга учган танк гуриллаб ёниб кетди. Бундай бўлишини кутмаган иккинчи танк жойида чир айланаб, ғарбга бурилди ва шу заҳоти капитандан яна бир граната қабул қилиб олди. Фашист танки бир силкитиб қўйган бўлса-да, юришда давом

этиб, тусмоллаганча тўпдан ўқ узди.

– Вой лъанати-ей! Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман! – қичқирди Боря ва танкка кетма-кет иккита граната олди.

Бу танк ҳам аланга ичида қолгач, ўз ишини бажариб бўлиб энди кераксиз матоҳга айланган фаустпатронни ташлаб юборди.

– Уртоқ лейтенант, пулемётни менга беринг, гранаталар тугади. Кетамиз.

Маҳмуд пулемётни унга бериб, ўзи автоматини қўлига олди. Қисқа-қисқа ўт очиб, ўрмонга чекина бошлашди. Ғарб томонда ҳам пулемёт тариллаши эшитила бошлади. Демак, капитан ҳам чекинишни бошлабди, хаёлидан ўтди Маҳмуднинг. Ўқ-дори омборининг гарнизони камчилик эканми ёхуд қоронги ўрмонга киришга юраклари бетламадими, ҳар тугул фашистлар уларни таъқиб этишмади. Эсон-омон тошйўлга чиқиб олишганида, гуриллаб ёнаётган омбор томонга зувилаб бурилиб кетаётган усти ёпиқ юк машиналари, мотоцикллар кўринди. Маҳмуд мотоциклини тўхтатиб, фарани ўчирди. Капитан

Башкатов орқа ўриндиқдан тушиб, Тазов билан жой алмаштириб, кажавага ўтирди.

– Биз кўзга ташланмаганимиз маъқул. Сизлар душман формасидасизлар. Лейтенант, ҳеч нарсага қулқол солмай газни бос!

Маҳмуд немис каскасини пешонасигача тушириб олиб, мотоциклини учириб кетди. Шу пайт кўприк ёнида ола-тасир отишма бошланди. Снаряд портлади. Кўприкка яқинлашиб қолишди. Олдинда бирданига иккита фашист мотоцикли кўринди. Уларнинг фаралари катта тезликда кетаётган юк машинаси бортини ёритиб борарди. Маҳмуд ўзлари ўлжа олган машинани таниди. Мотоцикллар чамаси буни сезиб қолишган ва уни таъқиб қилишарди.

– Капитан, – бақирди Маҳмуд мотор шовқини босиб, – бу бизнинг машина! Анавиларни бир ёқлик қилсангиз-чи!

– Тезликни ошир, ҳозир уларга кўрсатиб қўяман!

Маҳмуд газ дастагини охиригача буради. Мотоцикл ўкириб олдинга ташланди. Капитан пулемётни қисқа-қисқа икки бор тариллатди. Фашист мотоцикллари йўл четиға бурилиб, ағанаб кетди.

– Машинани қувиб ўт!

Маҳмуд ён томондан қувиб ўтаётганда рулда ўтирган Котега қўл силкиди. Капитан эса ортимиздан юринглаб, дегандек ишора қилди. Кўприкка шитоб билан яқинлашиб боришарди. У ерда отишманинг шиддати сал пасайган, чамаси, Тулаевнинг гуруҳи дзотларни зарарсизлантиришга улгурган эди. Бироқ йўл четидаги траншеяларга мустаҳкам ўрнашиб олган душман қазира-қусур ўқ ёғдирадди. Шу пайт Маҳмуднинг ўнг елкасига кимдир зарб билан мушт туширигандек бўлди. Қўлидан мадор қочиб, мотоцикл газ дастагини ушлай олмай қолди. Мотоцикл тезлиги пасая бошлади.

– Тўхтама! Боссанг-чи газни! – бу Тулаевнинг овози эди.

– Капитан, газни буранг! Яраландим шекилли.

Башкатов чап қўлини рулга узатиб, дастакни охиригача буради. Мотоцикл яна елиб кетди. Кўприкка чиқиб олганларидан кейин капитан тик туриб олди ва ўнг қўлини силкита бошлади. Нимадир шувиллаб келиб уч-тўрт қадам ортда портлади. Мотоцикл худди сузаётгандек ҳавога кўтарила бошлади ва бирдан зим-зиё тубсизликка қулади...

...Уч ой госпиталда даволанган Маҳмудни сафга яроқсиз топиб, уйига жўнатишди.

Кичик сержант Ортиқбой ҚУРАМБОВЕВ

«УЙДА ҚОЛИНГИ!»

Коронавирус ваҳимаси касалликдан ҳам кўпроқ кучайиб бормоқда. Ахборот маконидаги ишончли-ишонсиз ахборотларнинг кескин урчиши жараёнида дунё аҳли ваҳимага тушиши ҳам табиий. Негаки интернет тармоғи орқали тезлик билан тарқалаётган тўғри ва нотўғри маълумотлар ҳар қандай кишини чалғитади.

Ҳозирга қадар 200 дан зиёд давлатларда бу касаллик тарқалишга улгурган. Лекин унинг бу қадар тез ва кенг тарқалиши ўлим муқаррар эканлигини билдирмайди. Аксинча у сизни ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигига нисбатан янада эътиборли бўлишга чорлайди. Демак, бундай вақтда қўрқувга берилиш, ваҳимага тушиш ярамайди. Зеро, улғу алломамиз, тиб илмига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино айтганидек: «Ваҳиманинг ўзи ярим касалликдир, хотиржамлик ярим соғлиқ, сабр эса шифонинг бошланғичи».

Бу ҳақда шундай ривоят ҳам бор. Унда айтилишича, қадимда бир киши сафарга кетаётиб, йўлда Вабони учратиб қолибди.

– Қаерга кетяпсан? – сўрабди Вабо.

– Зиёратга. Сен-чи?

– Сенинг юртингга, беш минг кишини олиб кетишга, – дебди Вабо. Ҳар ким ўз йўлида кетибди. Йил ўтиб, улар яна ўша жойда кўришиб қолишибди.

– Сен алдадинг, – дебди зиёратчи Вабога, – беш минг кишини олиб кетаман, деб юртиндан элик беш минг одамни олиб кетибсан!

– Йўқ, – эътироз қилди Вабо, – мен ростдан ҳам беш минг кишини олиб кетдим. Қолгани ваҳима касаллидан ўлди...

Қиссадан ҳисса: одамни касалликдан кўра, унинг ваҳимаси ўлдиради.

ЎЛИМ ХАВФИ БОР, ЛЕКИН...

Шифокорлар COVID-19 дан ўлим даражаси оддий гриппниги қараганда юқориқоқ эканлигини тан олишмоқда. Аммо аниқ рақамлар ва бошқа тафсилотларга эътибор бериш зарур. Жонс Хопкинс номидаги Америка тадқиқот университети олимлари коронавирус тарқалишининг интерактив ва тезкор харитасини тузди. Ушбу маълумотлар, хусусан, янгиликларда вирус юктириб олганларнинг ярмидан кўпи аллақачон тузалиб кетгани айтилмоқда. Рўйхатга олинган беморларнинг тахминан 80 фоизда касаллик энгил шаклда кечиши таъкидланмоқда.

Жанубий Америкада ушбу вирус сабаб вафот этганларнинг аксарияти бошқа касалликлар билан ҳам оғриган жуда кекса ёшдаги кишилар эканлиги, ёшлар учун коронавирусдан ўлиш хавфи нолга яқинлиги айтилаётир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, баъзи беморларда касаллик шу қадар энгил шаклда кечадики, улар буни оддий шамоллаш деб ўйлашади ва шифокорга мурожаат қилишмайди. Агар ушбу беморларни аниқлаш ва санаш мумкин бўлса, унда ўлим даражаси сезиларли даражада па-

ЎЗИДАН ҲАМ ВАҲИМАСИ КЎРҚИНЧЛИ «ХУД КОРОНАВИРУСФОБИЯ»



сайиши мумкин.

Масалан, Англиянинг бош санитар шифокори, профессор Крис Уиттининг сўзларига кўра, агар барча беморлар аниқланса, ушбу минтақадаги ўлим даражаси 1 фоизни ташкил этади.

**УНДАН ХИМОЯЛАНИШ
ЖУДА ОДДИЙ**

Шифокорларнинг кузатувларига кўра, коронавирус яқин мулоқотда ҳаводаги томчилар орқали юқади. Масалан, сиздан икки метрдан кам масофада бўлган ва аксираётган (ёки кичик тўпук сачратиб гапирётган) одам сизга вирусни юктира олади.

Бундан ташқари, коронавирусни қаттиқ юзадан юктириш мумкин (эшик тутқичи ёки метрода эскалатор тутқичи) – бундай сиртларда у икки кун ёки ундан ҳам кўпроқ вақт яшай олади.

Шунинг учун шифокорлар тез-тез ва камида 20 сония давомида кўзларни ювишни, антисептик воситалардан фойдаланишни ва қўллар билан юзга тегинмасликни тавсия қилишмоқда.

Охиригиси аслида деярли имконсиз: кўпчилик одамлар беихтиёр юзларига тегинишди, шунинг учун қўлларни тез-тез ювиш керак.

**АЛКОГОЛЬ КАСАЛЛИККА
ЯҚИНЛАШТИРАДИ**

Январь ойида Хитой ва Шарқий Европада вирусдан қутулишда алкоголь ёрдам беради, деган ёлғон маълумот тарқалди. Хабарнинг асосизлиги ўша вақтдаёқ исботланди: алкоголь иммунитет тизимини сусайтиради, ундан фақатгина қўл ва ташқи юзаларни дезинфекция қилишда фойдаланиш яхшироқ. Фақат эритмадаги спирт концентрацияси 60 фоиздан иборат бўлиши керак. Алкоголь ичимликларда эса бу кўрсаткич жуда кам бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан тавафсил кўрсатмалар:

1. Қўлни совун билан мунтазам ювиш ёки спиртли сalfеткалар билан артиш. Чунки совунли сув ёки спирт моддаси вирусларни тез ўлдиради.

2. Аксираётган ёки йўталаётган одамга бир метр масофадан яқин бўлмаслик. Чунки вирусни юктирган бемор аксириб ёки йўталиш орқали ҳавога вирусни томчиларни сочади

ва унга яқин турган бошқа инсон бу томчилар билан нафас олиб, вирус юктириш эҳтимоли катта.

3. Кўз, бурун ва оғизга қўл билан тегмаслик керак. Чунки қўл теккан жойга вирусни томчилар ёпишган бўлиши мумкин. Қўлга ёпишган вирусни томчилар кўз, оғиз ва бурун орқали кишининг ичига кириб олиши ва бутун организмни касаллантириши мумкин.

4. Ўзингиз ва атрофингиздаги одамлар йўталаётганида ёки аксираётганида оғиз ва бурунларини даструмоқ, сalfетка ёки энглар билан ёпиши керак. Чунки бу респиратор гигиенаси бўлиб, оғиздан сочилаётган вирусни томчиларни ҳавога сачратмасликка уринишни англаатади.

5. Вирус касаллиги симптомларини ўзингизда сезсангиз, уйдан чиқмасдан, шифокорга хабар бериш ва тиббий ходимларнинг тавсияларига амал қилинг. Чунки сиз шу орқали вирус тарқалишининг олдини олган бўласиз.

6. Вирус тўғрисидаги янгиликлардан бохабар бўлиб туринг.

«Билим кучдир» тамойили бу вазиятда жуда қўл келади. Ишончли манбаларда вируснинг тарқалиш вазияти, тахликалар, симптомлар, профилактика ва даволашни муолажалари ҳақида хабарлар бериб борилади.

7. Вирус энг кўп тарқалган ҳудудлар ҳақида хабардор бўлиб туринг ва у ерларга боришдан тийилинг, айниқса, ёши катталар ва диабет, юрак, ўпка касалликлари бор инсонлар бундан сақланиши лозим.

**ВАҲИМАНДАН ҚУТИЛИШНИ
ИСТАЭСИЗМИ?**

Олимларнинг таъкидлашича, инсон қандайдир касалликка чалиниб қолам, деб қўрқув ва ваҳимага берилса, қон томирларида касаллик уйғотувчи гормонлар кўпайиб борар экан. У инсоннинг иммунитет тизимини емиради, натижада танада сезувчанлик ошиб кетади. Мулоҳаза қилинг, ҳеч нарсага аҳамият бермайдиган беғам танишларининг ишлари доим аъло. Улар касалга ҳам кўп чалинавермайди. Ваҳимачилар-

да эса акси кузатилади. Биласизми, ваҳимадан қутулишнинг самарали йўллари ҳам бор. Бунда сизга пул резинкаси усули қўл келади. Бунинг учун пул резинкасини билакка тақиб, уни қаттиқ тортиб, қўйиб юборасиз. Бу ҳар гал такрорланганда қўлда қаттиқ оғриқ сезасиз. Ана шунда сиз қўрқув ва ваҳимадан чекиниб, оғриққа эътибор қаратасиз. Миянгида яна қўрқувга тушсанг, қўлинг оғрийди, деган хабар ўрнашиб қолади. Йўқса, онгимизда бўлаётган қўрқув тана аъзоларимизга таъсир қилиб, касаллик келтириб чиқаради.

Ваҳимадан қутулиш ва иммунитет тизимини мустаҳкамлашнинг яна бир усули бу – контраст душ қабул қилиш. Фақат уни тўғри қабул қилиш керак. Бунда душга тушганда тана аввал иссиқроқ сувга ўргатилади. 3-5 дақиқада ўтиб, яна иссиқ сувни очамиз. Бу жараён 5 марта такрорлангач, танамизда иммунитет ҳосил бўлади. Энг асосийси, ҳар сесканишда организмдан ваҳима қиқиб кетаверади.

МИЛЛАТ БОШИДАГИ СИНОВ

Карантин юртимиз тарихида илк бор кузатилаётган ҳолат. Умумий ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, карантиннинг илк кунлари юртноларимиз орасида ваҳима урчиб кетди. Одамлар ёппасига озик-овқат маҳсулотлари, бирламчи тиббий воситалар сотиб олишга киришди. Натижада савдо-сотик шохобчаларида, бозорларимизда ва дорихоналарда тартибсизликлар кузатилади. Айрим маҳсулотлар нарҳида қисқа муддатли ошиш кузатилади. Вокзаллар, автовокзаллар миқозлар билан тўлиб-тошди. Талаб ва таклиф қонуниятига ишга тушиб, хусусий машинали киракашлар нарҳларни оширди. Бу ижтимоий тармоқларда анчагина норозиликларга сабаб бўлди. Шундай бир вақтда ҳукуматимиз махсус чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди ва бу ўз самарасини берди. Унга кўра, бозорлардаги нарх-наво назоратга олинди, пойтахтда ва вилоятларда талабалар учун чегирмалар жорий қилинди, янги кассалар ишга туширилди, энг муҳими – барча йўналишлар бўйлаб қўшимча транспортлар қатнови йўлга қўйилди. Бозорлар ёпилмаслиги айтилди, йирик савдо тармоқларидаги захиралар кўрсатилди, барча маҳсулотлар етказилишида узилмашар бўлмаслиги таъкидланди. Демак, ваҳимага ҳолат йўқ.

Мулоҳаза қилиб кўринг! Бугун Ўзбекистон ўзига хос синов даврида. Уни муваффақиятли энгишда ҳар бир фуқаро зиммасидаги масъулиятни ҳис этса кифоя. Бу жараёнда сиздан талаб қилинадигани нима? Бу – уйда ўтириб, қўрқув ва ваҳимага берилмасдан, коронавирусдан химояланишга оид муҳим кўрсатмаларга амал қилишдир. Ўйлайманки, бу ҳеч биримиз учун қийинчилик тугдирмайди. Ёдингизда бўлсин, сиз ўз саломатлигингизга эътиборли бўлиш орқали оилангиз ва яқинларингизнинг соғлиқини сақлаган бўласиз.

Майор Гулнара ҲОЖИМУРОДОВА
тайёрлади.

XXI АСР БОКСИДА ЯНГИ ОБ-ХАВО

Бугунги кунда дунё спорт оламида бокс хусусида сўз очилса, биринчи навбатда Ўзбекистон, ўзбек бокс тилга олинадиган бўлади – Ўзбекистон бокс терма жамоаси умумжамоа ҳисобида сўнги жаҳон чемпионати ва ёзги Олимпиада ўйинларининг голиби! Бу муваффақиятларда MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) вакилларининг ҳам муносиб улуши бор. Бугун биз шу хусусда сўз юритамиз.

Юртимиз спортчилари ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган бокс бўйича жаҳон чемпионатларида шу пайтга қадар 14 марта қатнашган ва барча дунё биринчиликларида совриндорлар сафидан жой олишган. Бугунги кунда ушбу ҳолат дунё бокс мутахассислари эътиборини ўзига қаратган. Айниқса, юртимиз чарм қўлқоп усталарининг муваффақиятлари босқичма-босқич, яъни жаҳон чемпионатлари мобайнида ошиб бораётганлиги уларни янада ажаблантирмоқда. Ҳа, XX аср иккинчи ярмида бокс хусусида сўз борганда мутахассислар ҳам, оддий спорт мухлислари ҳам аввало Куба ва ушбу юрт боксчиларини тилга олишарди, эндиликда дунё спорт оламининг диққат-эътибори марказида бизнинг Ватанимиз, ўзбек боксчи. Зотан, XX аср сўнгида мустақил мамлакат сифатида дунё айвонига чиққан Ўзбекистон дунёнинг етакчи бокс мутахассислари тили билан ифодалганда, «XXI аср боксига янги об-ҳаво олиб кирди».

Албатта, улкан ғалабаларга, тарихий ютуқларга тинимсиз меҳнат, илмий изланишлар ва ҳаётий тажрибалар орқали эришилади. Юртимиз боксчилари эришаётган муваффақиятлар замирида айнан шундай ҳолат мутасаммадан, эндиликда дунёнинг бир қатор давлатлари бокс мутахассисларини қизиқтираётган масала ҳам шу, муҳими уни ўрганиш. Айниқса, ўтган йили Екатеринбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон бокс терма жамоаси 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза, жами 5 та медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритганидан сўнг дунё бокс мутахассислари эътибори яна Ўзбекистонга, ўзбек боксига қаратилди. Бундай муваффақиятларга қандай қилиб эришиш мумкин?

2019 йилги XX жаҳон чемпионатида вакилларимиз қўлга киритган ютуқлар тафти «сови-



масдан» ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиев (-55,34 кг) АҚШнинг Майами шаҳрида профессионал бокснинг WBA (Бутунжаҳон бокс уюшмаси) ва IBF (Халқаро бокс федерацияси) йўналишлари бўйича америкалик Даниэль Романи 12 раундлик мurosасиз жангда мағлуб этиб, тарихий ғалабага эришди ва яна дунё бокс мухлислари эътиборини Ўзбекистонга қаратди. Муроджон зафарининг тарихийлиги шунда эдики, у бундан 50 йил олдин Леон Спинкс томонидан «аср ғалабаси» номини олган натижани такрорлади, яъни қисқа фурсат, аммо сермахсуллик билан профессионал бокс бўйича бир йўла икки йўналишда чемпион бўлди. Қарийб ярим аср мобайнида ҳали ҳеч бир боксчи бундай муваффақиятга эришмаганди. Муроджоннинг жаҳон бокс тарихига босган ушбу муҳри ўзбекнинг спортга, абадиятга дахлдорлик тимсоли бўлиб қолажак. Бу мамлакатимиз Президентининг унга йўллаган табригида яққол ифодаланган: «Муроджон ўғлим, Сен рингда ўзбек йигитларининг жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини, ҳеч қачон кураги ерга тегмаган буюк аждодларнинг муносиб вори си эканлигини кўрсатдинг»; «мустақил Ўзбекистон тарихида мутлақо янги ва ёрқин саҳифа очган ушбу оламшумул зафар соҳиби бўлган Сен каби жасур ва ватанпарвар ўғлонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз».

– Ўзбек ҳамкасбларимиздан ажойиб спортчиларни етиштириб бераётганлигидан миннатдоримиз, – деганди Муроджон Аҳмадалиевнинг ғалабасидан сўнг журналистларга берган интервьюсида «Жаҳон бокс» промуотерлик компанияси президенти Андрей Рязинский. – Ҳали кўрасизлар, Ўзбекистоннинг шиддатли боксчилари Американи ларзага келтиради, дегандим. Шундай бўлди. Яқин вақтда Гиёсовнинг ҳам «юриши» бошланади. У ҳам ўзига хос, қутилмаган техник, тактик ҳаракатлари билан кўплаб «боксинг

энг зўриман», деб юрганларга рингнинг тафтини билдириб қўйишига ишонаман. Умуман, ўзбек профессионаллари XXI асрда боксга янги об-ҳаво олиб келяпти. Улар ҳар қандай эъзозга, мақтовга муносиб.

«Янги об-ҳаво» учун таг замин ва асослар ҳам етарли. Ўзбекистон бокс терма жамоаси ўтган йили жаҳон чемпионатлари тарихида илк бор умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Мусобақада чемпионлик шоҳсупасига кўтарилган ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов «XX жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчиси» деб топилди. Юртимиз боксчиларининг барча дунё биринчиликларида қўлга киритган медаллари сони эса 50 тага етди. Ушбу медалларнинг қарийб учдан бир қисми армиямиз спортчиларига тегишлидир. Таъкидлаш жоиз, узоқ йиллар Ўзбекистон бокс терма жамоаси негизини Марказий ҳарбий спорт клуби (МХСК, эндиликда MVSK) аъзолари ташкил этган. Хусусан, XIV жаҳон чемпионатида қўлга киритилган олтин медал армиямиз спортчиси Аббос Атоевга тегишли бўлган. 2009 йилда Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган XV жаҳон чемпионатида эса юртимиз боксчилари 4 та медалга сазовор бўлган ва барча медаллар армия вакиллари томонидан қўлга киритилган. 2011 йил Озарбайжоннинг Боку шаҳри мезбонлик қилган XVI жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари томонидан қўлга киритилган иккита бронза медалга ҳам армиямиз чарм қўлқоп усталари сазовор бўлган. Қизиғи, 2009 йилги жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритган МХСК аъзоси Элшод Расулов (-81 кг) орадан икки йил ўтиб, дунё биринчилигининг бронза медалига эгалик қилган. Элшод шу билан қаноатланиб қолмаган, 2015 йил Қатарда ўтказилган XVIII жаҳон чемпионатида ҳам бронза медални қўлга киритган. Ҳа, армиямиз спортчиси учта жаҳон чемпионатининг совриндори сифатида боксимиз тарихидан жой олган.

У эндиликда бокс мураббийи сифатида фаолият олиб бормоқда.

Армия боксчилари хусусида гап кетганда шу ўринда яна бир спортчини тилга олиш жоиз. 1996 йилда Фарғона вилоятида таваллуд топган Бектемир Мелиқўзиев Ўзбекистоннинг энг ишонган боксчиларидан бири ҳисобланади. 2014 йилда бўлиб ўтган Нанкин ўсмирлар Олимпиадасида чемпионликни қўлга киритган Бектемир кейинги йили 19 ёшида Ўзбекистон чемпионатида катталар ўртасида тенгсиз деб топилади. Айнан ўша 2015 йилда боксчи катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида -75 кг вазн тоифасида олтин медал соҳибига айланади. Қатарнинг Доха шаҳрида бўлиб ўтган катталар ўртасидаги XVIII жаҳон чемпионатида финалгача етиб бориб, ҳал қилувчи жангда кубалик тажрибали Арлен Лопесга имкониятни бой бериб қўйган ва кумуш медал соҳибига айланган. 2016 йилги Рио Олимпиадасида ҳам МХСК аъзоси муваффақиятли иштирок этади ва финалгача етиб боради. Финалда эса яна ўша Арлен Лопес боксчиси олтин медалдан мосуво қилади ва яқунда Мелиқўзиев Олимпия ўйинларининг кумуш медали билан кифояланади. Ўша йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида эса боксчи барча рақибларини мағлубиятга учратиб, кетма-кет иккинчи маротаба Осиё чемпионига айланади. Ўша турнирда Бектемир тўртта жанг ўтказиб, иккитасида рақибларини нокаутга учратган. Яна иккита жангда эса тўлиқ устунлик билан 5:0 ҳисобидаги ғалабаларни қўлга киритганди. MVSK аъзоси Бектемир Мелиқўзиев эндиликда профессионал боксда фаолият юритмоқда. Иккинчи ўрта вазн (-76,2 кг) тоифасидаги боксчиси WBA рейтингига 15-ўринни эгаллаб турибди.

Юртимиз боксчиларининг халқаро майдондаги муваффақиятлари истиқболда ҳам давом этишига асло шубҳа йўқ. Бунга бир қанча асосларни келтириш мумкин. Хусусан, дунё бокс мутахассислари эътиборини яна бир бор Ўзбекистонга қаратган ўсмирлар ўртасидаги ўтган йилги Осиё чемпионати бунга яққол мисол бўлади. Қувайтда ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги китъа чемпионатида юртимизнинг 14 нафар «бўлажақ бокс юлдузи» қатнашди ва уларнинг барчаси совриндор бўлди. Янада ҳайратланарлиси, бу совринларнинг 10 таси олтин медаллар! Агар бу воқеа мамлакат миқёсидаги турнирда вилоят жамоаси ёки бирор

◀ 18

клуб вакиллари томонидан ижро этилганда ҳам аввалига биров безътиборроқ бўлиб, сўнг барибир ҳайратланган бўлардик. Ахир бу ютуқ 21 мамлакатдан борган 150 нафардан зиёд ёш чарм қўлқоп усталари иштирокидаги Осиё чемпионатида, қитъа миқёсида юз бермоқда!

Ҳа, мазкур қитъа биринчилигида юртимизнинг 14 нафар

ўсмир боксчиси иштирок этди ва уларнинг барчаси шоҳсупага кўтарилди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси қитъа чемпионатининг 10 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза, жами 14 та медални қўлга киритиб, оламшумул муваффақиятга эришди, бунақаси тарихда бўлмаган!

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, бокс терма жамоамиз расман илк маротаба 1993 йилда

Финляндияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этган. Ўшанда фақат бир нафар боксчизимиз, яъни -51 кг вазн тоифасида рингга кўтарилган Ҳикматилла Аҳмедов совриндор бўлган. Финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратган Аҳмедов ҳал қилувчи жангда рақибига имкониятни бой бериб, дунё биринчилигининг кумуш медали билан тақдирланган. Ўзбекистон

чарм қўлқоп усталари учун шу тариха бошланган жаҳон чемпионатлари фурсат ўтган сайин боксчи ҳамда мураббийларнинг тажриба ва маҳоратлари тобора такомиллашиб, дунё биринчиликларида кўрсатган натижалари ҳам юқорилаб борди. Охир-оқибат, дунё спорт матбуотидаги бугуннинг гапи – «Ўзбекистон XXI аср боксига янги об-ҳаво олиб кирди»га етиб келдик.

Ўзбекистон боксчиларининг жаҳон чемпионатларидаги совринлари

VII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(1993 йил 7 – 16 май. Тампере, Финляндия)

Ҳикматилла Аҳмедов (-51 кг) – кумуш

VIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(1995 йил 6-14 май. Берлин, Германия)

Дилшод Ёрбеков (-75 кг) – бронза

IX ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(1997 йил 18 – 26 октябрь. Будапешт, Венгрия)

Руслан Чагаев (+91 кг) – олтин

X ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(1999 йил 15-29 август. Хьюстон, АҚШ)

Муҳаммадқодир Абдуллаев (-63,5 кг) – олтин

Ўткирбек Ҳайдаров (-75 кг) – олтин

Тўлқинбой Тўрғунов (-57 кг) – кумуш

XI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2001 йил 3 – 10 июнь. Бельфаст, Ш. Ирландия)

Руслан Чагаев (+91 кг) – олтин

Ўткирбек Ҳайдаров (-75 кг) – кумуш

Шерзод Ҳусанов (-67 кг) – бронза

XII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2003 йил 6 – 13 июль. Бангкок, Таиланд)

Шерзод Ҳусанов (-69 кг) – кумуш

Баҳодир Султонов (-54 кг) – бронза

XIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2005 йил 13 – 20 ноябрь. Мьянма, Хитой)

Дилшод Маҳмудов (-64 кг) – кумуш

Ўткирбек Ҳайдаров (-81 кг) – бронза

Жасур Матчонов (+91 кг) – бронза

XIV ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2007 йил 23 октябрь – 3 ноябрь. Чикаго, АҚШ)

Аббос Атоев (МҲСК, 81 кг) – олтин

XV ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2009 йил 1 – 12 сентябрь. Милан, Италия)

Аббос Атоев (МҲСК, -75 кг) – олтин

Элшод Расулов (МҲСК, -81 кг) – кумуш

Баҳодир Султонов (МҲСК, -57 кг) – бронза

Ботиржон Маҳмудов (МҲСК, -69 кг) – бронза

XVI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2011 йил 26 сентябрь – 8 октябрь. Боку, Озарбайжон)

Жасурбек Латипов (МҲСК, -52 кг) – бронза

Элшод Расулов (МҲСК, -81 кг) – бронза

XVII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2013 йил 14 – 26 октябрь. Алмати, Қозоғистон)

Жасурбек Латипов (МҲСК, -52 кг) – кумуш

Ойбек Мамазулов (-81 кг) – бронза

XVIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2015 йил 6 – 17 октябрь. Доҳа, Қатар)

Муроджон Аҳмадалиев (МҲСК, -56 кг) – кумуш

Фазлиддин Ғойибназаров (-64 кг) – кумуш

Бектемир Мелиқўзиев (МҲСК, -75 кг) – кумуш

Элнур Абдураимов (-60 кг) – бронза

Элшод Расулов (МҲСК, -81 кг) – бронза

Баҳодир Жалолов (+91 кг) – бронза

XIX ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2017 йил 24 август – 2 сентябрь.

Гамбург, Германия)

Шаҳрам Ғиёсов (-69 кг) – олтин

Ҳасанбой Дўсमतов (-49 кг) – кумуш

Жасурбек Латипов (-52 кг) – кумуш

Иқболжон Холдоров (-64 кг) – кумуш

Бектемир Мелиқўзиев (МҲСК, -81 кг) – бронза

Санжар Турсунов (-90 кг) – бронза

XX ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

(2019 йил 7 – 21 сентябрь. Екатеринбург, Россия)

Миразизбек Мирзаҳалилов (MVSK – Mudofaa vazirligi sport klubi аъзоси, -57 кг) – олтин

Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг) – олтин

Баҳодир Жалолов (+91 кг) – олтин

Дилшодбек Рўзметов (MVSK, -81 кг) – кумуш

Бобоусмон Батунов (-69 кг) – бронза

Қайд этиш жоиз, учта олтин, биттадан кумуш ва бронза медалга эга бўлган Ўзбекистон бокс терма жамоаси жаҳон чемпионатлари тарихида илк бор умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида XX жаҳон чемпионати пешқадамлари:

1. Ўзбекистон – 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза, жами 5 та медал.

2. Россия – 3 та олтин, битта бронза, жами 4 та медал

3. Қозоғистон – биттадан олтин ва кумуш, 4 та бронза, жами 6 та медал.

4. Куба – биттадан олтин, кумуш ва бронза, жами 3 та медал.

5. Англия – битта кумуш, 2 та бронза, жами 3 та медал.

6. Ҳиндистон – биттадан кумуш ва бронза, жами 2 та медал.

Мусобақа ташкилотчилари чемпионатнинг энг яхши боксчиси аниқлашди. +91 кг вазн тоифасида чемпионлик шоҳсупасига кўтарилган ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов бир овоздан «XX жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчиси» деб топилди.

Ўзбекистон боксчилари учун 14 та жаҳон чемпионати орда қолди. Барча дунё биринчилиги эътироф этилади. Шу боис биз кўпроқ жаҳон чемпионатлари ҳусусида фикр юритдик. Агар Олимпиада ўйинлари тарихига назар ташласак, «Барселона – 1992» ва «Пекин – 2008»дан ташқари барча ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам боксчиларимиз совриндорлар сафидан ҳай олган. Айниқса, «Рио – 2016»даги муваффақият юқори даражада бўлган:

«Рио – 2016». XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон боксчилари эришган муваффақиятлар – жами 5 та медал: 3 та олтин – Ҳасанбой Дўсमतов, Шаҳобиддин Зоиров, Фазлиддин Ғойибназаров; 2 та кумуш – Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Мелиқўзиев (МҲСК); 2 та бронза – Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиев (МҲСК).

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида боксчиларимиз 3 та олтин, 2 тадан кумуш ва бронза медални қўлга киритган, терма жамоамиз эса умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаган. XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам боксчиларимиздан шундай муваффақиятларни кутиб қоламиз.

Расул ЖУМАЕВ

ЭНГ ЯХШИ ТАНКЛАР

« Ҳозирги вақтгача ўтган кўплаб қуролли тўқнашувларда (айниқса, Иккинчи жаҳон урушида) кенг фойдаланилган, ҳал қилувчи жангларда ғалабага эришишнинг муҳим омилларидан бирига айланган қудратли жанговар техника – танкларнинг яратилиш тарихи ХХ аср бошига бориб тақалади. Орадан ўтган йиллар мобайнида танкларнинг замон талабига жавоб берувчи ва янги турлари яратилди ва яратилмоқда. Қуйида хорижий экспертлар ҳулосасига кўра тузилган, ўз қудрати ва чексиз имкониятлари билан ажралиб турувчи дунёдаги энг яхши танклар ўнталигини эътиборингизга ҳавола этамиз.

9-ўрин. 9Т-90 «Владимир» (Россия)

1980 йиллар охири – 1990 йиллар бошида Т-72Б типидagi танкнинг чуқур модернизацияланган варианты сифатида ишлаб чиқилган, аммо 1992 йилда Т-90 индекси остида ҳарбий техника таркибига киритилган асосий жанговар танк. Машина бош конструктори В.И. Поткиннинг вафотидан сўнг Россия Федерацияси ҳукумати қарорига кўра, танкка «Владимир» номи берилган. Бу танк ҳам классик тузилишга эга – бошқарув қисми олд томонда, жанговар бўлим ўртада ва мотор-трансмиссия бўлими орқа томонда жойлашган. Экипаж уч киши – командир, механик-ҳайдовчи ва мўлжалга олувчи-оператордан иборат.

Экипаж – 3 киши.

Жанговар оғирлиги – 46,5 тонна.

Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли.

Двигатель қуввати – 840 от кучига тенг.

Тезлиги – соатига 60 км.

8-ўрин. «Леклерк» (Франция)

Ўтган асрнинг 80-йилларида GIAT (ҳозирда Nexter) концерни мутахассислари томонидан ўша даврга келиб эскириб қолган АМХ-30 типидagi танкларни алмаштириш мақсадида ишлаб чиқилган асосий жанговар танк. Снарядларга қарши комбинацияланган модуль зирх билан таъминланган. Жанубий Кореянинг К-2 «Қора пантера» ва Япониянинг «Тип-10» русумли танклари пайдо бўлгунга қадар дунёдаги энг қimmatбахо танк ҳисобланган.

Экипаж – 3 киши.

Жанговар оғирлиги – 54,6 тонна.

Тўп тури – 120 мм.ли силлиқ стволли.

Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг.

Тезлиги – соатига 71 км.

7-ўрин. Тип-10 (Япония)

«Кунчиқар юрт» мутахассислари томонидан яратилган мазкур замонавий жанговар танкнинг илк прототиби (нуксаси) 2008 йилда ҳарбий экспертлар эътиборига ҳавола этилган. Режаларга кўра, бу машина ҳозирга келиб эскириб қолган Тип-74 танкларини алмаштиради ҳамда Тип-90 русумли танклар паркни тўлдиради. Германияда ишлаб чиқарилган ва конвейер типидagi ўқлаш автомати билан жиҳозланган 120 мм.ли тўп Тип-10 нинг асосий қуроли ҳисобланади. Бу тўп порох газлари эжектори ва термокожух билан таъминланган. Снарядларга қарши комбинацияланган модуль зирх билан таъминланган.

Экипаж – 3 киши.

Жанговар оғирлиги – 44 тонна.

Тўп тури – 120 мм.ли.

Двигатель қуввати – 1 200 от кучига тенг.

Тезлиги – соатига 70 км.

6-ўрин. «Меркава Mk.4» (Исроил)

2002 йилда маҳаллий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган мазкур танк 2010 йилда

кўплаб ҳарбий экспертлар томонидан дунёдаги энг яхши танк деб топилган. Танк деталларининг 28 фоизи, шу жумладан двигатель ва трансмиссия хориждан харид қилинган. Орқа қисмида десант (ярадорларни эвакуация қилиш) учун мўлжалланган бўлма мавжудлиги машинанинг жанг вақтидаги самарадорлигини оширади. «Меркава Mk.4» снарядларга қарши комбинацияланган, тўртинчи авлод пўлат зирх билан таъминланган. Исроил Мудофаа вазирлиги томонидан шакллантирилган махсус гуруҳ ана шу машина асосида «келажак танки»ни яратиш устида иш олиб бормоқда. Янги танкнинг экипажи 2 кишидан иборат бўлиши, ўзи эса янада енгил, ўлчамлари бўйича кичикроқ, автоматик тарзда қувватланувчи, турли қуроллар, шу жумладан ракеталар билан жиҳозланган модуль тизимига эга бўлиши кўзда тутилган.

Экипаж – 4 киши.

Жанговар оғирлиги – 65 тонна.

Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли.

Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг.

Тезлиги – соатига 60 км.

5-ўрин. «Челленджер-2» (Буюк Британия)

1995 йилда ҳарбий техника таркибидан жой олган мазкур машина Буюк Британия армияси тасарруфидagi асосий жанговар танк ҳисобланади. Танкнинг ўшбу моделидан 2035 йилгача фойдаланиш кўзда тутилган. «Челленджер-2» энг оғир Ғарб танкларидан бири ҳисобланади: унинг башняси ва корпуси «Дорчестер» шартли коди остидаги «Чобхэм» типидagi иккинчи авлод зирхи билан қопланган. «Дорчестер» борасидаги барча маълумотлар махфийлаштирилган. Корпус ва башня бортлари бўйлаб ROMOR типидagi динамик ҳимоя модули панжарасимон экранлар билан уйғунликда ўрнатилган. Биологик ва кимёвий қуролдан ҳимоя комплекси башнянинг ички қисмига жойлаштирилган.

Экипаж – 4 киши.

Жанговар оғирлиги – 62,5 тонна.

Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли.

Двигатель қуввати – 1 200 от кучига тенг.

Тезлиги – соатига 56 км.

4-ўрин. M1A2 SEP «Abrams» (АҚШ)

1980 йилдан буён серияли равишда ишлаб чиқарилаётган M1 «Abrams» русумли танкнинг янада такомиллаштирилган варианты ҳисобланувчи M1A2 SEP «Abrams» General Dynamics Land Systems (GDLS) компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Унга генерал Крейтон Абрамс шарафига шу ном берилган. Танкнинг қиймати 4,8 миллион долларни ташкил этади. M1A2 SEP «Abrams» таркибига графит ва титан қўшилган уран-керамикадан тайёрланган учинчи авлод зирхи билан қопланган. Ўтган йиллар мобайнида мазкур танкнинг M1A2 Sep v2 ва M1A2 SEPv3 типидagi модернизацияланган вариантлари ишлаб чиқарилган. Ҳозирда эса компания мутахассислари SEPv4 варианты устида иш олиб бормоқда.

Экипаж – 4 киши.

Жанговар оғирлиги – 63 тонна.

Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли.

Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг.

Тезлиги – соатига 68 км.



10-ўрин. «Оплот» (Украина)

Харьков шаҳрида жойлашган А.А. Морозов номидаги машинасозлик конструкторлик бюроси мутахассислари томонидан 2009 йилда яратилган мазкур замонавий танкнинг бош конструктори – техника фанлари доктори, профессор, генерал-лейтенант М.Д. Борисов. Танк классик тузилиш (компоновка)га эга бўлиб, бошқарув бўлими олд томонда, жанговар бўлими ўрта қисмда ва мотор-трансмиссия бўлими орқа томонда жойлашган. Ўқлаш автомати, порох газлари эжектори ва термоколлама билан таъминланган 125 мм.ли силлиқ стволли тўп (ствол узунлиги 48 клб) «Оплот»нинг асосий қуроли ҳисобланади. Тўпнинг жанговар комплекти 46 та снаряддан иборат бўлиб, уларнинг 28 таси ўқлаш автоматига жойлаштирилган. Зирх тешувчи, кумулятив, осколка-фугасли снарядлар ва танкка қарши бошқарилувчи ракеталар билан ўт очишга қодир.

Экипаж – 3 киши.

Жанговар оғирлиги – 51 тонна.

Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли.

Двигатель қуввати – 1 200 от кучига тенг.

Тезлиги – соатига 70 км.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЯКУНЛАНДИ



РИА Новостининг хабар беришича, Россияда дунёдаги энг қудратли ўзиюар артиллерия тўпларидан бири ҳисобланувчи 2С7М «Малка»ни модернизациялаш ишлари якунланган ва унинг биринчи намунаси синовдан ўтказилган. Модернизация жараёнида тўпнинг ҳаракатланиш тавсифлари, манёврчанлиги, бошқарувчанлиги ва бошқа бир қатор жиҳатлари янада такомиллаштирилган. Узатмалар қутиси, энерготъминот механизмлари, кузатув асбоблари, ички алоқа аппаратлари ва радиостанция янгиланган.

НЕФТЬ МУАММОСИ



Президент Дональд Трамп агар Россия ва Саудия Арабистони нефть нархи борасида тез орада келиша олмаса, АҚШ бу мамлакатлардан импорт қилинаётган ёқилғига бож тўловлари жорий этилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Россия Президентини Владимир Путин агар ОПЕК ва Қўшма Штатлар бунга қўшилса, нефть қазиб чиқаришни суткасига 10 млн беррелгача камайтиришга тайёрлигини билдирди.


Интернет материаллари асосида тайёрланди.

САРХУШ ФИЛЛАР



Хитойда ҳамма карантин муаммолари билан овора бўлган бир вақтда Юньнан шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирига бир тўда ёввойи филлар «ташриф буюрган». Аниқроғи, озиқ-овқат илинжида келган 14 та фил атрофни айланиб, 30 килограмм маккажўхоридан тайёрланган шаробни топган ва барчасини ўзаро баҳам кўрган. Натижада бошлари гангиб, сархуш бўлган филлар орқага йўл тополмай, қишлоқ яқинидаги чой боғида ўхлаб қолган.

ТАНКЛАР СОНИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАР



3-ўрин. K2 «Қора пантера» (Жанубий Корея)

Жанубий Кореянинг Мудофаа ишланмалари агентлиги ва «Хендэ ротем» компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган мазкур замонавий асосий жанговар танк мамлакат армиясига 2014 йилнинг июнида etkazиб берилган. Унга маҳаллий «Урд индастриз эйс корпорейшн» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган тўп ўрнатилган бўлиб, у автоматик ўқлаш тизимига эга. «Қора пантера» янги жанговар ахборот-бошқарув тизими, кундузги ТВ-камера ва тепловизор, шунингдек, радиолокацион ва лазер нурланишни аниқлаш ҳамда экипажни оғохлантириш вазифасини бажарувчи датчиклар билан таъминланган. Ўт очишни бошқариш тизими автоматик тарзда нишонни аниқлаш ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида уни кузатиб боришга қодир. Технологик жиҳатдан мураккаб тузилмага эга бўлган «Қора пантера»нинг бугунги кундаги нархи 8,5 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткич бўйича дунёдаги энг қиммат танклардан бири ҳисобланади.

Экипаж – 3 киши.
Жанговар оғирлиги – 55 тонна.
Тўп тури – 120 мм.ли силлиқ стволли.
Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг.
Тезлиги – соатига 70 км.

2-ўрин. Leopard 2A7 (Германия)

Германиянинг Krauss-Maffei Wegmann компанияси мутахассислари томонидан яратилган мазкур асосий жанговар танк классик схема бўйича ишланган бўлиб, бошқарув бўлими машинанинг олд қисмида, двигатель эса орқа томонда жойлашган. Башняга эга бўлган жанговар бўлим эса танкнинг марказий қисмидан жой олган, мазкур башняга ствол узунлиги 55 клб бўлган 120 мм.ли силлиқ стволли Rheinmetall тўпи ўрнатилган. Тўпнинг жанговар комплекти 42 та снаряд (қучсизлантирилган урандан тайёрланган снарядлар ҳам қўшилган), у билан жуфтлаштирилган пулемёт эса 5 500 та патронга эга. Танкнинг тўп билан биргаликдаги узунлиги 11,3 метр, корпус бўйича узунлиги 7,7 метр, эни 3,7 метр, башня томигача бўлган баландлиги 2,6 метр. Танкни сув остида бошқариш учун мўлжалланган махсус усқунанинг асосий элементларидан бири командир люкига ўрнатилган кувур-тўйнуқ бўлиб, у машинанинг кучланиш қурилмасига ҳаво etkazиб бериш учун хизмат қилади, шунингдек, командирга сувли тўсиқларни кечиб ўтаётган вақтда механик-ҳайдовчининг ҳаракатларини бошқариш имконини беради.

Экипаж – 4 киши.
Жанговар оғирлиги – 67,5 тонна.
Тўп тури – 120 мм.ли силлиқ стволли.
Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг.
Тезлиги – соатига 72 км.

КУЧЛИ ТЎРТЛИК

1-ўрин. T-14 «Армата» (Россия)

Экипаж – 3 киши
Жанговар оғирлиги – 48 тонна
Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли
Двигатель қуввати – 1 800 от кучига тенг
Тезлиги – соатига 80 – 90 км

2-ўрин. Leopard 2A7 (Германия)

Экипаж – 4 киши
Жанговар оғирлиги – 67,5 тонна
Тўп тури – 120 мм.ли силлиқ стволли
Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг
Тезлиги – соатига 72 км

3-ўрин. K2 «Қора пантера» (Жанубий Корея)

Экипаж – 3 киши
Жанговар оғирлиги – 55 тонна
Тўп тури – 120 мм.ли силлиқ стволли
Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг
Тезлиги – соатига 70 км

4-ўрин. M1A2 SEP «Abrams» (АҚШ)

Экипаж – 4 киши
Жанговар оғирлиги – 63 тонна
Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли
Двигатель қуввати – 1 500 от кучига тенг
Тезлиги – соатига 68 км



1-ўрин. T-14 «Армата» (Россия)

«Армата» типидagi гусеничали универсал платформа асосида яратилган, инсон бошқармайдиган башняга эга бўлган замонавий жанговар танк. 2015 йилда ўтказилган Галаба парадида биринчи марта кенг омма эътиборига ҳавола этилган. Танкни серияли равишда ишлаб чиқариш 2016 йилда бошланган, ammo ҳозирча экспорт қилинмайди (давлат мудофаа буюртмаси эhti-ёжлари қондирилганидан сўнггина бунга рухсат берилиши мумкин). T-14 «Армата» инфрақизил, радио ва магнитли диапазонларда кўриш ўта мураккаб бўлган, «сигнатурани бузиб кўрсатувчи» инновацион технологиялар билан таъминланган биринчи «стелс-танк» бўлиши мумкин. ЕСУ Т3 типидagi ўт очишни бошқариш тизими, ИҚ-каналлар бўйича «радиожимлик» режимида (радиоэфирдан фойдаланмаган тарзда) ишловчи алоқа воситалари, «афганит» типидagi фаол химоя тизими, миналарни аниқлаш ва бартараф қилиш воситалари билан жиҳозланган. Танк зирхи композит материаллардан ишланганлиги сабабли анча энгиллиги билан ажралиб туради.

Экипаж – 3 киши.
Жанговар оғирлиги – 48 тонна.
Тўп тури – 125 мм.ли силлиқ стволли.
Двигатель қуввати – 1800 от кучига тенг.
Тезлиги – соатига 80 – 90 км.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

СУВ ОМБОРЛАРИ ҚУРИЛАДИ



2030 йилгача Қозоғистоннинг саккизта минтақасида 28 та сув омбори қурилиши режалаштирилмоқда. Экология, геология ва табиий ресурслар вазирлиги Мағзум Мирзагалиевнинг ҳукумат йиғилишида айтган сўзларига кўра, уларнинг аксариятидан нафақат ерларни сугориш учун фойдаланилади, балки бугунги кунда 70 дан ортқ аҳоли пунктларига хавф солаётган сув тошқинлари муаммосини ҳал қилишда ҳам ёрдам беради.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲҚАМЛАНМОҚДА



Туркменистон ва АҚШ коронавирусга қарши кураш бўйича ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Хусусан, АҚШ бу мамлакатга тиббий ёрдам, лаборатория тизимларини тайёрлаш, эпидемиологик назорат ва бошқа йўналишлар учун 920 минг доллар миқдорда маблағ ажратган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги 20 йил мобайнида Қўшма Штатлар Туркменистонга иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида 201 млн, соғлиқни сақлаш соҳасига 21 млн доллар ажратган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҚАҲРАМОНЛАРНИ ХОТИРЛАБ



Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков 2010 йилда содир бўлган Апрель революциясининг 10 йиллиги муносабати билан «Ата-Бейит» тарихий-мемориал комплексига ташриф буюрди ва қаҳрамонлар меъморий ёдгорлиги пойига гулчамбарлар кўйди. Ҳалок бўлганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди. Мамлакат раҳбари, шунингдек, «Таазим» тарихий-мемориал музейи ҳам борди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

16 ХИЛДАН ОРТИҚ МАҲСУЛОТЛАР СОТУВГА ЧИҚАРИЛДИ

Карантин даврида ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига қулайлик яратиш, уларни сифатли кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги Олмос маҳалласида озиқ-овқат ярмаркаси ташкил қилинди.

Унда кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган жами 16 хилдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари сотувга чиқарилди.

– Ярмаркада айниқса, гўшт, картошка, помидор, олма, ёғ, гуруч, макарон бозор нархидан анча арзон сотилаяпти, – дейди ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи Нодири Исоқова. – Шу кунгача маҳалламиздаги дўконлардан картошкани беш минг, ҳатто етти мингдан харид қилаётган эдик. Бугунги ярмарка маҳалла аҳлига арзон, шу билан бирга сифатли маҳсулотларни етказиб берганидан жуда ҳам хурсандимиз. Бунинг учун Мудофаа вазирлиги раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз. Карантин даври ўтгунча маҳалламизда шундай ярмаркалар кўпроқ ўтказилса, айна мундоо бўларди.

– Сотувга қўйилган гўшт, помидор, сабзи, пиёз ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилган, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги озиқ-овқат хизмати бошлиғи подполковник Отабек Жўраев. – Ярмарка давомида шу каби маҳсулотларга талаб катта бўлди. Карантин талабларидан келиб чиқиб фуқароларнинг оралик масофани сақлаб, харидни амалга оширишлари назоратга келиб, сотувчиларимиз эса ҳимоя ниқоб ва махсус қўлқоп кийган ҳолда савдо қилишяпти. Зеро, аҳоли саломатлигини сақлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб.



Лола ҲОЖИМУРОВА
Адлия майори Азиз АЛИМОВ,
Тошкент ҳарбий прокуратураси катта терговчиси

Энг яхши кўмакчи



Карантин вақтида иммунитетни кўтариш йўллари билан бири тўғри овқатланиш тартибига амал қилиш ҳисобланади. Биринчи навбатда минерал элементлар, витамин ва оксилларга бой бўлган мева-сабзавотлар, гўшт, тухум, балиқ маҳсулотларини тановул қилиш организмнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини оширади. Айна вақтларда мана шундай овқатланиш

тартибини йўлга қўйиш саломатлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ҳозирги жараёнда уйдан чиқишга қўйилган чекловларга ва кўчаларда санитария-эпидемиология қоидаларига амал қилган ҳолда арзон нархларда кўчма савдо ярмаркаларининг ташкил этилиши фуқароларимизнинг ортиқча оворагарчиликларининг олдини олмақда.

Бу борада Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ва «Нишон кўзгуси» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда Қарши шаҳрида жойлашган ҳарбийлар шаҳарчасида сифатли ҳамда арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг кўчма савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Ярмаркада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг 2 метрдан кам бўлмаган ижтимоий масофани сақлаган ҳолда тиббий ниқобларда иштирок этишлари, шу билан бирга тиббий мутахассислар томонидан уларнинг тана ҳароратлари масофавий ўлчаниши ҳамда худуднинг тез-тез дезинфекция қилиниши таъминланмоқда.

Бу каби тадбирлар давом этмоқда.
Адлия капитани Озод БАХРОНОВ,
Қарши ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугун бутун дунё аҳолиси, шу жумладан мамлакатимиз ҳам COVID-19 инфекциясига қарши курашмоқда.

Юртимизда коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида санитария-гигиена талабларига сўзсиз амал қилиш, фуқаролар ўртасида бевосита мулоқотни чеклаш, заруратсиз ҳаракатланишга йўл қўймасликка қаратилган тадбирлар жорий этилган.

Шу муносабат билан Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларидан, бозор ва мавжуд савдо жойларидан олиш худудда яшовчи фуқароларимизга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда қийинчиликларга дуч келмасликлари учун қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Чирчиқ ҳарбий прокуратураси, Чирчиқ ва Бўстонлик туманлари ҳокимликлари ҳамда «Пойтахт таом сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида Бўстонлик туманидаги марказдан узоқда жойлашган ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва ушбу худудларда яшовчи фуқароларимиз учун арзон нархларда кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари кўчма савдо ярмаркалари ташкил қилинди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва фуқаролар ташкил этилаётган бундай тадбирлардан мамнунликларини билдиришмоқда.

Адлия катта лейтенанти Абдулатиф ИСАРОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси



ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Карантин тадбирлари самараси



Коронавирус пандемияси бугун дунё аҳолисини ҳушёр торттирди. Мамлакатимизда бу касалликка қарши кураш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилишида. Бу тадбирларнинг самарали амалга оширилишида, шунингдек, коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш ва фуқароларнинг эпидемияга қарши курашиш қоидаларига жалб этилишини назорат қилишда ҳарбий прокуратура органлари ходимлари муносиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан пойтахтимизнинг Олмазор, Шайхонтоҳур ва Миробод туманларида карантинга олинган касалхоналар ва умумий объектларда, шунингдек уй карантинга олинганларнинг хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ҳарбийларнинг фаолияти ҳам ўрганилиб, уларга зарур ҳуқуқий кўникмалар етказилди.

Бу борадаги ижобий хулосалар эса жойларда карантин тадбирларининг самарали ташкил этилганидан далолат беради.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА,
Адлия майори Абдор НАЗАРОВ,
Тошкент ҳарбий прокуратураси терговчиси

Ўт ўчиргичлар



Кўпчилик ўт ўчиргичлар ва уларнинг вазифаси ҳақида оз бўлса-да, маълумотга эга. Газетхонларнинг бу борадаги билимини бойитиш мақсадида мазкур бирламчи ўт ўчириш воситаси ҳақида қисқача тўшунча бермоқчимиз.

Ўт ўчиргич турлари:

– кўпикли (ОВП): а) кимёвий кўпикли; б) ҳаво-кўпикли ва суюқ моддали; – газли (ОУ): а) углерод (1У) – оксидли; б) азрозоли ва углерод (1У) – оксид-бром этилли;

– кукунли (ОП, порошокли).

Ҳажми:

– 5 литргача;

– 5 дан 10 литргача;

– 10 литрдан юқори.

Ёнғинлар таснифи:

А) қаттиқ моддалар (қоғоз, резина, мато, ҳар хил турдаги пластмасса);

В) суюқ моддалар (ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, лак, бўёқлар);

С) газсимон моддалар;

Е) кучланиш остидаги электр қурилмалар ёниши.

Қайси ўт ўчиргич қандай ҳолатларда ишлатилади:

– кукунли (ОП) – А, В, С, Е;

– кўпикли (ОВП) – А, В;

– газли (ОУ) – В, С, Е.

Юртимизда давом этаётган карантин боис, кўпчилик аҳоли уйда қолмоқда. Хурматли ватандошлар, энг аввало гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда ёнғин хавфсизлиги масалаларини ҳам унутмайлик.

Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,
Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи



Bolajon

LABIRINT



TUZ QADRI

Qadim zamonda bir podshohning uch qizi bo'lgan ekan. Bir kuni podshoh qizlarini yoniga chaqirib:

– Meni qanchalik yaxshi ko'rasiz? – deb so'rabdi.

Katta qizi “dunyolar qadar”, debdi, o'rtancha qizi “quchoq-quchoq mehr bilan”, debdi, qulochini keng yozib. Podsho xursand bo'lib qizlarini bag'riga bosibdi. Keyin o'ylanib qolgan kenja qiziga qarab, nahotki menga bo'lgan mehriга o'lchov topolmayapti, deb hayron bo'lib, savolini takrorlabdi.

Nihoyat, kenja qizi o'z topilmasidan xursand bo'lib, otasiga jilmayib qarabdi-da:

– Siz menga tuzdan ham qadrlisiz, otajon, – debdi.

Podshoh kichik qizining javobidan g'azablanib:

– Farzand ham hech zamonda o'z otasi qadri ni eng arzon masalliq – tuzga tenglashtiradimi? Bu noshukr qizning joyi zindon, – deb baqiribdi. Soqchilar kichik qizning ko'z yoshlariga qaramasdan, zindonga tashlabdi.

Voqeadan xabardor keksa zindonbon podshohning bu adolatsizligiga chiday olmabdi. El oyog'i tinib, saroydagilar uyquga ketgach, yarim kechada qizni zindondan chiqarib, saroydan qochirib yuboribdi.

Kenja qiz yo'l yurib, yo'l yursa ham mo'l yurib, erta tongda bir qishloqqa kirib boribdi. Musofir, ammo ko'zlari mehrga to'la kenja qizni shu yerdagi boylardan biri xonadoniga xizmatkor qilib olibdi. Qiz chaqqonligi, ozodaligi bilan boyning xotiniga ham yoqibdi va qiz shu yerda yashab qolibdi. Yildan-yilga qizning husniga husn, farosatiga farosat qo'shilaveribdi. Uning go'zalligi eldan elga, tildan tilga ko'chibdi. Kenja qizning dovrug'ini eshitgan qo'shni davlat podshohi uni to'y-tomoshalar bilan kelin qilib olib ketibdi.

Oradan bir qancha vaqt o'tib, qiz boshidan kechirganlarini shahzodaga aytib beribdi va otasini mehmondorchilikka chaqirish niyati borligini aytibdi. Shahzoda rozi bo'lgach, kerakli hozirliklar qilinish, malika otasini ziyofatga chaqiribdi.

Qizning otasi aytilgan kunda mulozimlar bilan birga saroyga tashrif buyuribdi. Dasturxonga hidi ishtahani qitiqlaydigan anvoyi taomlar tortilibdi. Mehmon – podsho taomga ishtaha bilan qo'l uzatar, biroq tatib ko'rgach, yuzi bujmayib og'zidagi luqmani arang yutgach, qaytib u taomga qiyo boqmadbi. Chunki taomlarga bir chimdini ham tuz solinmagan, nihoyatda bemaza ekan-da. Och qolib, asabiylashayotgan otasining holatini zimdan kuzatgan kenja qiz o'rnidan turib, “mehmon”ga yuzlanibdi.

– Shohim, eshitishimga qaraganda, kenja qizingiz sizni “Tuz qadar yaxshi ko'raman”, deganida, uni zindonga tashlagan ekansiz.

Podsho bir so'z demabdi, biroq taomlarga nadomat bilan qarab qo'yibdi.

– Otajon, men o'sha gunohkor qizingizman. O'zimni haqligimni isbotlash, o'shanda aytgan so'zlarimning ma'nosini anglashingiz uchun ziyofat dasturxonidagi siz xush ko'rgan taomlarni ataylab tuz solmasdan tayyorlatdim, gunohkor qizingizni kechiring, – debdi u yuzidagi pardani ko'tarib.

Podshoh qilgan adolatsizligidan xijolat bo'lib, tuzning inson hayotida nechog'lik zarur ekanligini anglabdi. Ko'zlaridan duv-duv yoshlar to'kib, zukko va mehribon qizini bag'riga bosibdi.

O'yla,
izla,
top!



Bolajonlar, suratlardagi
farqni toping

Turkchadan

N. XUDOYNAZAROVA tarjimasida

МАХСУС ФОТОРЕПОРТАЖ

Карантиндагилар хавфсизлиги Мудофаа вазирлиги ҳарбийлари томонидан таъминланмоқда



Сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган



Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида карантинга олинган фуқароларни сақлаш учун мўлжалланган махсус шифохона 55 гектар ҳудудда барпо этилаётир.

Бугунги кунда фойдаланишга топширилган қисмида карантинга олинган фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан махсус дала лагери ташкил этилди.

Бу ерда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, коронавирус касаллигига қарши курашишда халқ ва армия бирдамлиги яққол ўз исботини топмоқда.



БИР ЧИМДИМ

Бир зийнға учраш бир қанча зийнларни даф этади. Бу зийн даҳшатлироқ зийнларнинг олдини олиш учундир. Эй йигит, касалингни садақа билан давола.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Тарихчи Наршахийнинг ёзишича, Амир Темур қўшинига аскарлар 17 ёшлардан бошлаб қабул қилинган. Улар машаққатли машқлардан кейингина жангга кирган. Темур жорий этган машғулотлардан бири – икки оёқ орасига катта тош қистириб, узоққа югуриш машқи эди. Бу машғулот жангчиларни нимага тайёрлаган?

Жавоб: отда мажмаъ ўқитирилат.

БИЛАСИЗМИ?

Амир Темур қўшинида ҳар 10 жангчига 1 дона керки, бир донадан ўроқ, арра, теша, болта, 2 дона белқурак, игна, ип каби оддий нарсалар ҳам берилган. Энг асосийси ўн кишига бирдек керак нарса ҳам бўлганки, уни алоҳида бир отда олиб юришган. У нима?

Жавоб: ҳар 10 кишига битта чодор билан юрляган.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Коронавирус. Дунёнинг оловли нуқталарида уруш тўхтадимиз?

VATANPARVAR

Муассис:
 майор Ахрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:
 Исломжон ҚУЧҚОРОВ

Саҳифаловчилар:
 лейтенант Рамиз ВАЛИЕВ
 III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

Мусаҳҳиҳлар:
 Зебо САРИЕВА
 Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА
 Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:
 71-260-36-50
 Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-462
 Ҳажми: 6 босма табоқ.
 Бичими: А3.
 Адади: 35 827 нуска.
 Босишга топшириш вақти: 14:00.
 Топширилди: 14:30.

Газета жума кuni чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
 Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
 100164, Тошкент,
 Университет кўчаси, 1-уй.